



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ



**“КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАФАККУР ВА ХОТИРА
ХУСУСИЯТЛАРИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИ ЎРГАНИШ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: Психология таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Абдуллаева Н. _____

ИЛМИЙ РАХБАР:
доц.в/б.Шарафутдинова Х. _____

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси «____» _____ 2013 йил

Термиз – 2013

КИРИШ

1-БОБ. Коллеж ўқувчилари билиш жараёнлари психологияси

1.1. Билиш жараёнлари ва уларнинг таълим фаолиятидаги роли.

1.2. Тафаккур ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

1.3. Хотира ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

2-БОБ. Коллеж ўқувчилари тафаккури ва хотирасини тадқиқ этиш.

2.1. Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини аниқлаш усули .

2.2. Хотира кўламини материалнинг анланганлик даражасига боғлиқлигини текшириш

2.3. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик

2.4. Коллеж ўқувчилари тафаккури ва хотирасини коррекциялаш.

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

КИРИШ

*XXI аср интеллектуал авлоднинг асри.
И.Каримов.*

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини жаҳон миқёсида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи бугунги авлоднинг, билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол фикрлаш қобилияти юқори даражадаги инсонлар бўлиб етишишига боғлиқдир. Бу ўринда инсон руҳияти қонунларини ўрганувчи психология фани алоҳида аҳамият касб этади. Касб-хунар коллежи ўқувчиларини жамиятимиз учун тўла қонли, фаол, баркамол шахс сифатида шакллантириш, уларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш таълим самарадорлигини янада оширади. Шу туфайли таълим жараёнида хотира ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

XXI аср буюк ўзгаришлар даври. Бу ўзгаришлар энг аввало инсон тафаккурида, унинг фикрлаш тарзида рўй бериши муқаррар. Табиийки, бу ҳолат шахс маънавияти ва у орқали жамиятнинг маънавий қиёфасига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар, “Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур”. Бу вазифалар, биринчи навбатда келажакнинг бунёдкори бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва халқига ситқидилдан хизмат қилиш, озод юрт равнақи ва бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутди. Зеро, мустақиллик айнан фидойи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали, интеллектуал салоҳиятли кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади. Шундай экан бўлажак

мутахассисларнинг хотира ва тафаккур хусусиятлари ва улар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ва замон талабларига мос қилиб тарбиялаш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Ушбу битирув малакавий ишнинг асосий мақсади коллеж ўқувчилари тафаккур ва хотира хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни психологик жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

1. БМИ иш мавзусига оид адабиётлар таҳлилини амалга ошириш, ишнинг методологик асосларини белгилаш.
2. Коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятларини тажрибада ўрганиш.
3. Тажриба натижаларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилиш.
4. Таълим жараёнида тафаккур ва хотиранинг ўзаро муносабатини ўрганиш.

Битирув малакавий ишнинг илмий фаразлари. Тадқиқотда қуйидаги илмий таҳминлар илгари сурилиши мумкин: Коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятлари таълим самарадорлигини белгиловчи муҳим омил бўлиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг илмий методлари. Ўқувчиларининг ўқув фаолияти жараёнида тафаккур ва хотира хусусиятларини ўрганиш мақсадида қуйидаги методикалар қўлланилди:

1. Савол-жавоб – ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятлари ҳақида маълумотлар олиш учун.
2. “Мантиқий тафаккур маҳсулдорлигини аниқлаш усули” - ўқувчиларининг тафаккур хусусиятларини ўрганиш масаласида.
3. Хотира кўламини материалнинг анланганлик даражасига боғлиқлигини текшириш усули.
4. Корреляцион ва статистик қайта ишлаш методлари.

Битирув малакавий ишнинг объекти. Тадқиқот жараёнида асосан касб-хунар коллежи ўқувчиларининг тафаккур ва хотираси ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. БМИнинг янгилигини куйидагилар билан изоҳлаймиз:

1. БМИда биринчи марта коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги масаласи амалий ва назарий жиҳатдан ўрганилди ва таҳлил қилинди.

2. Коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотираси таълим жараёни билан боғлаб ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг назарий аҳамияти. БМИнинг назарий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилиги ва тадқиқот методларининг ишончлилигидан келиб чиқади. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унда қўлга киритилган назарий хулоса ва таҳлиллار коллеж ўқитувчиларининг ўқувчилар тафаккури ва хотираси муаммолари ҳақидаги билимларни бойитади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. БМИнинг амалий аҳамияти шундаки, касб-хунар коллежида таълимни ташқил этишда тавсияларга асос бўлади. Бундан ташқари, олинган натижалар асосида ота-оналар, мураббийлар, педагоглар учун болаларнинг тафаккур ва хотира хусусиятларини шакллантириш бўйича методик кўрсатмалар ҳамда тавсиялар берилади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Ушбу БМИ кириш, адабиётлар таҳлили, асосий қисм боблари, икки боб, бешта параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмлардан тузилган.

Ишнинг кириш қисмида БМИ мавзусининг ҳозирги кун нуқтаи назаридан долзарблиги, тадқиқот ишининг предмети, мақсади, вазифалари, БМИда қўлланилган методикалар, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, янгилиги кабилар қисқача баён қилинган.

1-БОБ. КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

1.1. Билиш жараёнлари ва уларнинг таълим фаолиятидаги роли


Психология фани психологик фактларни ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилар экан, психологик фактларни ва ҳолатларни келиб чиқиш қонуниятларини ҳам ўрганиши ва изоҳлаб бериши лозим. Чунки ҳар бир содир бўлаётган психик ҳодиса ўзининг генезиси ва ривожланиш қонуниятларига эга. Аммо қонуниятларни ва қонуниятли алоқаларни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Психология фанининг яна бир вазифаси - психик фаолиятнинг механизмларини аниқлашдан иборат.

Психик фаолият механизмлари у ёки бу психик жараённи амалга оширадиган конкрет анатомик-физиологик аппаратларнинг ишлашини тақазо қилгани учун ҳам психология бу механизмларнинг табиати ва ҳаракатини бошқа фанлар (физиология, биофизика, биохимия, кибернетика ва бошқалар) билан биргаликда очиб беради.

Таълим жараёнида ўқитувчи таълим олувчиларда кундалик ҳаётидаги учратувчи стереотип кўринишдан мисол олиши керак бўлади. Стереотип - бу мавжуд воқеликни онгда (хотирада) сақланувчи қабул қилиш усули ва қайта қурувчисидир. Стереотиплар ижобий ва ёлғон бўлиши мумкин. Ижобий стереотипларни ишлатиш нарс ҳақида соддароқ, схематик кўринишда баъзан эса ҳақиқатга яқинроқ билимларни ҳосил қилади. Ихтиёрий схема қанчалик батафсил бўлмасин нарс ҳақида тўлиқ маълумот бераолмайди, шу сабабли унинг ўзини ҳам стереотип сифатида қабул қилиш мумкин. Шу билан биргаликда нарсани энг муҳим томонларини ажратишга имкон беради ва ўқув материалларини яхши қабул қилишга имкон яратади.

Теварак-атрофдаги нарсалар ҳақида, товушлар ва ранглар, хидлар ва ҳарорат, микдор ва бошқа кўплаб нарсалар тугрисида биз сезги органлари туфайли биламиз.

БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ



Сезги – бу оддий психик жараён бўлиб, у моддий оламдаги нарса ва ходисаларнинг айрим хусусиятларини, шунингдек, моддий кузготувчилар тегишли респекторларга бевосита таъсир этган тақдирда организмда ҳосил бўладиган ички ҳолатларга айтилади. Материя бизнинг сезги органларимизга таъсир қилиб сезги ҳосил қилдиради.

Сезги аъзолари ахборотни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва миёга етказиб беради. Миё бундай ахборотни бениҳоя катта ва туганмас оқимини ҳар дақиқада қабул қилиб ва қайта ишлаб туради.

Сезги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йулларидир. Биз модданинг ҳеч қандай шаклини, ҳаракатнинг ҳеч қандай шаклини сезгилардан бошқача йул билан била олмаймиз. Сезги аъзолари кишига теварак-атрофдаги оламда мўлжал олиш имконини беради. Агар киши барча сезги аъзоларидан маҳрум бўлиб қолса борми, у ўзининг атрофида нималар юз бераётганини била олмас, атрофдаги одамлар билан муносабатга кириша олмас, овқатни қидириб топа олмас, хавф-хатардан қутилиб қола олмас эди.

Акс этиш хусусиятига ва рецепторларнинг жойлашган ўрнига қараб сезгилар одатда уч гуруҳга ажратилади: 1. Экстрорецептив сезгилар. Буларга ташқи муҳитдаги нарсалар ва ходисаларнинг хусусиятларини акс эттирадиган ва тана юзасини сезадиган сезгилар (қуриш, эшитиш, ҳид билиш, там билиш, тери-туйғу) қиради. 2. Тананинг ички аъзоларидаги ўзгаришларни сезадиган интрорецептив сезгилар. Бунга органиқ сезгилар қиради. 3. Мушаклар ва пайлардаги ҳолатни сезадиган проприорецептив сезгилар. Бунга мускул-ҳаракат сезгиси қиради. Улар гавдамизнинг ҳаракати ва ҳолати ҳақида ахборот беради.




Экстрорецепторлар ўз навбатида яна икки гуруҳга бўлинади: контакт ва дистант сезгилар. Контакт сезгиларга тери-туйғу ва таъм билиш сезгилари кирса, дистант сезгиларга кўриш, эшитиш, ҳид билиш сезгилари қиради. Ҳозирги замон фани маълумотларига асосланиб сезгиларни ташқи ва ички

сезгиларга бўлиш етарли эмас. Сезгиларнинг баъзи бир турларини ташқи-ички деб ҳисобласа ҳам бўлади. Уларга ҳарорат ва оғрик, там билиш ва тебраниш, мушак-бўғин ва статик-ҳаркат сезгилари киради.

Идрок деб нарсa ёки ходисаларнинг инсон онгига бевосита таъсир этиши натижасида тартибга солиниб, алоҳида сезгиларни нарсa ва воқеаларни яхлит бир образи тарзида бирлаштириб акс эттирилишига айтилади.

Идрок кўзғовчиларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарқ қилиб нарсани бутунлигича, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради. Бундан идрок айрим сезгиларнинг оддий йигиндисидан иборатдир деган хулоса келиб чиқмайди. Идрок ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳиссий билишнинг сифат жихатидан янги босқичидир. Идрокнинг предметлилиги, яхлитлиги, маълум тартибда тузилганлиги, анланганлиги, константлиги унинг муҳим хусусиятларидир.

Идрокнинг предметлилиги деганда унинг аниқ бир предметга қаратилишини тушунамиз.



Идрокнинг яхлитлиги деганда нарсa ва ходисаларни яхлитлигича онгимизда акс эттиришни тушунамиз. Идрок сезги аъзоларига таъсир қилувчи нарсаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарқли ўларок, нарсаларнинг яхлит образидир.

ИДРОК ТУРЛАРИ



Таълим фаолиятида идрокнинг роли ҳақида гап кетганда унинг барча хусусиятлари, қонуниятларининг моҳияти ва асосий функциялари назарда тутилиши лозим. Агар ўқувчи кўрган, эшитганларини идрок қилмаса, таълим фаолияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Идрок бевосита сезгилар билан боғлиқ бўлади ва албатта ундан кейинги психик фаолиятнинг давомийлигини ҳам таъминлаб беради. Жумладан, ўқувчилар идрок қилган нарсаларини ўз хотираларида олиб қолиб, кейинчалик тафаккур орқали уни бошқа жараёнлар билан боғлаб янгилик очади.

Диққат – психик фаолиятнинг йўналтирилиши ва шахс учун аҳамиятли бўлган объект устида тўпланишдир. Йўналтирилиши деганда психик фаолиятининг танловчилик характери, объектни ихтиёрий ёки беихтиёр танлаш тушунилади. Ўқувчи мактабда ўқитувчининг тушунтиришларига кулоқ солаётганда, мана шу эшитиш фаолиятини онгли равишда танлаб олган, ўз диққатини эшитиш фаолиятига онгли равишда қаратган бўлади. Ўқувчининг бирор бошқа нарсага чалғимасдан, ўқув материалининг мазмунига зеҳн қўйиб ўтиришида унинг диққатини йўналиши ифодаланади.

Психик фаолиятнинг йўналтирилиши деганда фақат ана шу фаолиятни танлаш тушунилиб қолмай, балки ана шу танлаганини сақлаб қолиш ва қўллаб – қувватлаш ҳам тушунилади.

Диққат психик фаолиятининг йўналтирилиши билан бирга унинг тўпланишини тақозо қилади. Психик фаолиятнинг бир жойга тўпланиши – мазкур фаолиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳамма бошқа нарсалардан диққатни чалғитиш демакдир. Диққатнинг бир жойга тўпланиши деганда

мазкур фаолиятга бутунлай берилиш, унга озми – кўпми чуқур эътибор бериш тушунилади.

1.1.1.жадвал

ДИҚҚАТНИНГ ТУРЛАРИ		
Ихтиёрий	Ихтиёрсиз	Ихтиёрийдан кейинги
Онгли равишда маълум мақсад асосида воқеа ходисага нисбатан диққатни йўналтириш	Қўзғатувчининг кучли таъсири асосида юзага келади (баланд овоз, ёрқин нур, бўёк, кучли ҳид ва хоказолар.)	Мақсадга йўналтирилган фаолиятда шахс учун фақат фаолият натижаси эмас, балки унинг мазмуни ва жараёнининг ўзи қизиқарли ва аҳамиятли бўлади.

Диққат ҳар қандай фаолиятнинг муҳим шартидир. Диққатсиз хатто энг оддий ишларни ҳам бажариш мумкин эмас. Диққат меҳнатнинг барча жараёнида, ижодий фаолиятда, ўқишда айниқса катта аҳамиятга эга. К.Д.Ушинский «Диққат рухий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик оркали ўтиб киради», - деб ёзган эди.

Диққатнинг тараққий этиши маълум зиддиятлари билан: бир томондан, коллеж ўқувчилик ёшида барқарор, ихтиёрий диққатнинг таркиб топиши билан, бошқа томондан, коллеж ўқувчисига таассуротлар, кечинмалар, жўшқин активлик ва импульсивлик кўпинча беқарор диққатга олиб бориши билан, унинг тез чалғиши билан ажралиб туради. Ҳамма нарса иш шароитига, материалнинг мазмунига, ўқувчининг кайфияти ва психик ҳолатига, унинг ишга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади.

1.2. Тафаккур ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари

Психологларнинг эътироф этишларича кишининг бутун ҳаёти унинг олдига ҳамиша жиддий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ва муаммоларни қўяди. Бундай муаммоларнинг, қийинчиликларнинг, тасодифларнинг юзага келиши атрофимиздаги воқеликда ҳали жуда кўп номаълум, тушуниб бўлмайдиган, кутилмаган, яширин нарсалар борлигидан далолат беради. Демак, оламни борган сари чуқурроқ ўрганиб, унда одамлар ва нарсаларнинг тобора янги-янги жараёнларини, хусусиятларини ва ўзаро муносабатларини очиш лозим. Тафаккур шунинг учун ҳам зарурки, ҳаёт ва фаолият давомида ҳар бир индивид нарсаларнинг қандайдир янги, илгари маълум бўлмаган хусусиятларига дуч келади. Ўтмишдаги билимларимизнинг камлиги билиниб қолади. Коинот чексиз бўлганидек, уни билиш жараёни ҳам чексиздир. Тафаккур ҳамиша ҳали билиб олинмаган, янгиликнинг ана шундай чексиз чуқур жиҳатларига қаратилган бўлади.

Тафаккур-жиддий равишда янгиликни қидириш ва очишга боғлиқ, алоқадор психик жараёндир, унинг таҳлили ва синтези жараёнида воқеликни бавосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир. Тафаккур амалий фаолият асосида ҳиссий билишлардан пайдо бўлади ва ҳиссий билиш чегарасидан анча ташқарига чиқиб кетади.

Тафаккур - бу предмет ва ҳодисаларнинг умумий хусусиятларини акс эттириш, улар ўртасидаги қонуний алоқалар ҳамда муносабатларни топиш жараёнидир. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур - бу борлиқни умумлаштирилган ҳолда ва бевосита акс эттиришдир. Тафаккур - инсон ақлий фаолиятининг юксак шаклидир. Исталган ихтиёрий фаолият, у хоҳ ўқув, хоҳ ишлаб чиқариш фаолияти бўлсин, унинг натижаларини олдиндан кўришни албатта талаб қилади. Бироқ олдиндан кўриш учун далилларни умумлаштириш ва шу умумлашмалар асосида худди шунга ўхшаш бошқа далилларга ҳам тадбиқ этиш мумкин бўлган хулосалар чиқариш керак бўлади. Бу иккиёқлама ёндашиш яккадан умумийга, умумийдан яккага-тафаккур орқали амалга оширилади. Воқелик тафаккурда идрок ва

тасаввурлардагига қараганда чуқурроқ ва тўлароқ акс этади. Нарса ваҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар ва муносабатлар тафаккур ёрдами билан очилади. Бинобарин, тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ (тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришга (билишга), инсоннинг тағин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради.

Билиш фаолияти сезиш ва идрок қилишдан бошланади ва кейин тафаккурга ўтиб кетиши мумкин. Бироқ истаган тафаккур, ҳатто энг ривожланган тафаккур ҳам ҳамиша ҳиссий билиш билан, яъни сезги, идрок ва тасаввурлар билан боғланган бўлади. Тафаккур фаолияти ўзининг бутун «материалини» фақат битта манбадан, яъни ҳиссий билишдан олади. Тафаккур сезгилар ва идрок қилиш жараёнлари орқали ташқи олам билан бевосита боғланади ҳамда шу тариқа оламни акс эттиради. Бу акс эттиришнинг тўғрилиги (адекватлиги) амалий фаолият орқли табиат ва жамиятни амалий ўзгартириш жараёнида узлуксиз текширилиб турилади.

Бош мия пўстининг бирон бир соҳаси эмас, балки бош миянинг бутун пўсти бажараётган фаолият тафаккурнинг нерв-физиологик негизидир. Анализаторларнинг мияга бориб туташган учлари ўртасида вужудга келадиган мураккаб ва муваққат боғланишлар тафаккур қилиш учун биринчи галда аҳамиятга эга. Тафаккурни йўналтириб турадиган асосий нерв-физиологик негиз шундай йўл кўрсатиб турувчи рефлексдирки, бу рефлекс тафаккур қилиш жараёнларида катта рол ўйнайди. Тафаккур қилиш жараёни бирор психик элементларнинг шунчаки бир-бири билан алмашилиши тарзида воқе бўлмасдан, балки алоҳида ақлий операциялар - биз идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарсалар устида, умумийлашган ва тушунчаларга эга бўлган объектлар устида ақлий ҳаракатлар қилиш тарзида воқе бўлади.

Ақлий ҳаракатлар қуйидаги тафаккур жараёнлари орқали амалга ошади



Таққослаш, анализ ва синтез, абстракция ва умумлаштириш, конкретлаштириш, классификация (тасниф) ва системалаштириш (тизим)га солиш ақлий операцияларнинг асосий турларидир.

Таққослаш - шундай бир ақлий операциядирки, бу операсция айрим нарсалар ўртасидаги ўхшашликни ёки тафовутни, тенглик ёки тенгсизлик борлигини, бир хиллик ёки қарама-қаршилик борлигини аниқлашда ифодаланади. Амалий таққослаш бир нарсани иккинчи нарсага солиштириб кўрилаётганда, масалан, бир қаламни иккинчи қаламга, ўлчов чизиғини тахтага ва кабиларга солиштириб кўрилаётганда содир бўлади. Таққослаш тасаввур қилинаётган ёки қилинган нарсаларни бир-бирига фикран солиштириб кўриш йўли билан ҳал бўлади.

Анализ - нарсани таркибий элементларга, қисмларга ёки таркибий белгиларга бўлиш демакдир. Психологияни ўрганаётган вақтимизда ҳар бир психик жараённи бир-бири билан таққослабгина қолмасдан, балки, шу билан бирга, анализ ҳам қиламиз. Ўқиш машғулоти вақтида тафаккурнинг анализ қилиш фаолияти катта ўрин тутди. Чунончи, савод ўргатиш одатда нутқни

анализ қилишдан: гапни сўзларга, сўзларни бўғинларга, бўғинларни товушларга ажратишдан бошланади.

Синтез - анализнинг акси ёки тескараси бўлган тафаккур жараёнидир. Бунда таркибий қисмлар ягона бир бутунга бирлашади. Анализ ва синтез бир-бири билан чамбарчас боғлангандир, чунки фикр жараёнининг айрим босқичларида биринчи ўринга анализ ёки синтез чиқади. Синтез элементларнинг, нарсалар ва ҳодисаларнинг қисмларини бир бутун қилиб қўйишдан иборат бўлиб, амалий анализ бўлгани сингари амалий синтез ҳам бўлади.


«Тафаккур, - деб ёзган эди И.П.Павлов, - албатта ассоциациялардан, синтездан бошланади, сўнгра синтезнинг иши анализ билан қўшилади. Анализ, бир томондан, рецепторларимиз, периферик учларининг анализаторлик қобилиятига, иккинчи томондан эса, бош миёна катта ярим шарларининг пўстида такомил топувчи ва воқеликка мувофиқ бўлмаган нарсаларни воқеликка мувофиқ бўлган нарсалардан ажратиб турувчи тормозланиш жараёнига асосланади».

Абстракция - шундай бир фикрлаш жараёнидирки, бунда тафаккурда акс этилаётган бир ёки бир неча объектларнинг бирор белгиси (хусусияти, ҳаракати, ҳолати, муносабати) шу объект ёки объектлардан фикран ажратиб олинади. Бу жараёнда объектдан ажратилган бир белгининг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция одатда анализ жараёни ёки анализ натижасида содир бўлади. Абстракция умумлаштириш билан боғлиқдир.

Умумлаштириш - предметлар ва ҳодисаларни уларнинг умумий ва асосий томонларини ажратиб кўрсатиш асосида бир-бирлари билан фикран бирлаштиришдир.

Классификация - кўп нарсаларни, ҳолатларни, кечинмаларни гуруҳларга бўлиш. Масалан тиббиётда касалликларнинг классификациялари мавжуд: сил касаллиги, захм, юқумли касалликлар. Анатомия фанида суяклар классификацияси алоҳида ўрганилади.

Тафаккур шакллари



Тафаккур шаклларига ҳукм, тушунча ва хулоса чиқариш киради. Нарса ва ходисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ҳукм деб айтилади. Масалан, баҳорда дарахтлар барг ёзади.

Борлиқдаги нарсалар, ходисалар ва воқеликнинг миқдорига, уларнинг бирор ҳукмда акс этиши ва алоқа ҳамда муносабатларига қараб улар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм.
2. Якка, жузъий ва умумий ҳукм.
3. Шартли, айирувчи ва қатъий ҳукм.
4. Тахминий ҳукм.

Нарса билан белгининг алоқаси акс этган ҳукм тасдиқловчи ҳукм дейилади. Масалан, Алишер Навоий буюк ўзбек шоири, мутафаккири. Нарса билан белги ўртасидаги боғланиш йўқлигини ифодаловчи ҳукм инкор ҳукм деб аталади. Масалан, Ўзбекистонда пахта экилмайди. Самарқандда олий мактаблар йўқ каби.

Якка нарса ҳақидаги ҳукм якка ҳукм дейилади. Масалан, Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти. Агар ҳукмимиз бир гуруҳ нарсаларнинг баъзиларига таалукли бўлса уни жузъий ҳукм дейилади. Масалан, бугун баъзи талабалар дарсга кеч қолдилар. Бордию бизнинг ҳукмимиз бир гуруҳ нарсаларнинг барчасига таалукли бўлса умумий ҳукм дейилади. Масалан, Ўзбекистон фукаролари тинчлик учун курашмоқдалар.

Хулоса чиқариш деб бир неча ҳукмлардан алоҳида ҳукм келтириб чиқаришга айтилади. Масалан, Барча сайёралар ҳаракат килади. Ер – сайёра. Демак, Ер ҳам ҳаракат килади.

Хулоса чиқариш уч турли бўлади: индуктив, дедуктив ва аналогик. Индуктив хулоса чиқариш деб бир неча якка ҳукмлардан умумий ҳукм келтириб чиқаришга айтилади. Масалан, Темир электр токини ўтказди. Мис электр токини ўтказди. Қўрғошин электр токини ўтказди. Булар металллардир. Демак, металллар электр токини ўтказди.

Дедуктив хулоса чиқариш деб умумий ҳукмдан якка ёки жузъий ҳукм келтириб чиқаришга айтилади. Масалан, Дарахтлар баҳорда гуллайди. Ўрик – дарахт. Демак, ўрик баҳорда гуллайди.

Аналогик хулоса чиқариш деб предметнинг ўхшаш белгиларига қараб хулоса чиқаришга айтилади.

Тушунча нарсa ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир. Уй, кўприк, коинот, дарахт кабилар тушунчалардир. Тушунчалар одатда конкрет ва абстракт бўлади. Конкрет тушунчаларга парта, доска, шкаф, мель, дераза кабилар кирса, абстракт тушунчаларга эса муҳаббат, бахт, гўзаллик, узунлик, баландлик, кенглик, ҳаракат кабилар киради.

Тушунчалар кўлами жихатдан уч турга бўлинади: якка тушунчалар, умумий тушунчалар ва тўпланма тушунчалар.

Якка тушунча деб якка предмет ёки ҳодиса ҳақидаги тушунчага айтилади. Масалан, Алишер Навоий, Кулон, Сирдарё, Собир Раҳимов кабилар. Умумий тушунча деб бир жинсда бўлган нарсa ва ҳодисалар тўплами ҳақида яхлит фикр юритишга айтилади. Масалан, китоб, мактаб, студент, ўспирин, юлдуз ва бошқалар.

Тўпланма тушунча деб бир хил нарсаларнинг тўпламига айтилади. Масалан, кутубхона, пахтазор, йиғилиш кабилар.

Фикр юритишда тушунча билан сўз ўзаро боғланган ҳолда намоён бўлади. Бир томондан, сўз ёрдамсиз тушунча вужудга келмайди, икинчи томондан сўз тушунчанинг моддий асоси ва функциясини бажаради. Тушунчалар бир ёки ундан ортиқ сўзлардан ҳосил бўлиши мумкин.

Фикрий қобилиятлар ҳақида гапирганда кўпинча бу тушунча остида ақл кўзда тутилади. Ақл олинган билимларни, тажрибани ва уларни янада бойитишга ва ақлий фаолиятда фойдаланишга бўлган қобилиятни ўз ичига олади. Кишининг ақлий фазилатлари унинг ҳажми билан белгиланади. Тафаккур ақлнинг фаол функцияси бўлиб, мантиқ қонунлари асосида такомиллашиб боради. Тафаккур амалдаги ақлдир. Тафаккурнинг жараёнидаги тушуниш бошқа бир кишининг оғзаки ва ёзма нутқини идрок қилиш ва ўқиб олиш жараёнида содир бўлади. Нутқни тинглаётганимизда ёки бирор ёзма матнни ўқиётганимизда, одатда биз ўзимиз эшитаётган ёки ўқиётган сўз бирикмаларини тўғри идрок қилишга интиламиз.

Айрим кишиларнинг тафаккури ўзининг мазмундорлиги, чуқурлиги ва кенглиги жиҳатидан, мустақиллиги, самарадорлиги ва тезлиги жиҳатидан турли ҳолларда турлича намоён бўлади. Булар тафаккурнинг сифатини ташқил қилувчи белгилардир.

Кишининг тафаккур фаолияти учун унинг фақат ҳиссий билиши билан ўзаро боғлиқлигигина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки тил билан, нутқ билан ўзаро боғлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда инсон психикаси билан ҳайвон психикаси ўртасидаги принципиал фарқлардан бири намоён бўлади. Ҳайвонларнинг элементар, жуда содда тафаккури ҳамма вақт фақат ҳаракат тафаккурлигича қолади; улар ҳеч вақт мавҳум, бавосита билиш даражасига етмайди. Уларнинг, яъни ҳайвонларнинг тафаккури айна чоғда гўё кўз ўнгларида турган нарсаларни бевосита идрок қилиш билан иш кўради. Ана шундай тафаккур ҳаракат тарзидаги нарсалар билан муносабатда бўлади ва бундай аёний ҳаракат доирасидан четга чиқмайди.

Фақат нутқ пайдо бўлгач, билинаётган объектдан маълум бир хусусиятни ажратиб олиб, уни махсус сўз ёрдамида тасаввурда ёки

тушунчада мустаҳкамлаш, қайд қилиш имконияти туғилади. Тафаккур сўзда ўзининг зарурий моддий қобилятига эга бўлади, тафаккур фақат сўз орқали бошқалар учун ва ўзимиз учун ҳам бевосита реалликка айланади. Ҳар қандай фикр нутқ билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. У ёки бу фикр қанчалик чуқур ва асосли суратда ўйланган бўлса, у сўзларда, оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ҳамда яққол ифодаланган бўлади. Ва, аксинча, қандайдир фикрнинг сўз орқали фиодаланиши қанчалик кўп такомиллаштирилган, сайқалланган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик яққол ва тушунарли бўлади.

Инсон тафаккури тил билан, нукт билан чамбарчас боғлиқдир. Тафаккур зарурий тарзда моддий сўз қобиғида мавжуддир.

Психологияда тафаккур турларининг куйидаги содда ва бирмунча шартли классификасияси ҳам тарқалгандир:

Кўргазмали ҳаракат;

Кўргазмали-образли;

Мавҳум (назарий) тафаккур.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир. Жадвалда тафаккурнинг турли мезонлар асосидаги классификасияси келтирилган.

Психолог Э.Ғ.Ғозиев тафаккур турларини куйидагича тизимлаштирган:

Шаклига кўра	Кўргазмали ҳаракат Кўргазмали образли Мантиқий
Кўриладиган масаланинг характерига кўра	назарий амалий
Ижодийлик элементига кўра	конвергент дивергент
Янгилиги ва ноёблигига кўра	репродуктив продуктив (ижодий)

Ҳаёт мобайнида ўқиганларимиз, малум шарт-шароитларда конкрет далиллар ва назарий билимлар асосида мушоҳада қилган билим ва ғояларимиз асосида юритган фикрлаш жараёни назарий тафаккурдир. Ундан фарқли амалий тафаккур бевосита ҳаётда ва ҳаракатларимиз мобайнида ҳосил бўлган фикрларимизга асосланадиган тафаккуримиздир.

Кўргазмали-ҳаракат тафаккурининг хусусияти шундаки, у ҳам одамнинг реал предметлар билан иш қилаётган пайтдаги фикрлаш жараёнини назарда тутди. Кўргазмали-образли тафаккур эса кўрган - кечирган нарсалар ва ходисаларнинг конкрет образлари кўз олдимизда гавдаланган чоғда уларнинг моҳиятини умумлаштириб, билвосита акс эттиришимиздир. Мантикий тафаккур - бу мавҳум тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчаларга таянган ҳолда бевосита идрокимиз доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарган ҳукмларимиз, мулоҳазаларимиз бу тафаккурга мисол бўла олади. Масалан, олам, унинг ноёб ва мураккаб ходисаларини фалсафий ўрганиш фақат мавҳум, абстракт тафаккур ёрдамида мумкин бўлади.

Фикрлашимизнинг яна бир тури репродуктив бўлиб, унинг моҳияти - кўрган - билган нарсамизни айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ва шу асосда фикрлашга асосланади. Ундан фарқли продуктив ёки ижодий тафаккур - фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилмаслик қўшилгандаги тафаккурни назарда тутди. Шунга боғлиқ бўлган конвергент фикрлаш масаланинг эчими фақат битта бўлгандаги фикрлашни назарда тутса, дивергент тафаккур - фикрнинг шундай турики, у шахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта эчимлар пайдо бўлишини тақозо этади. Айнан ана шундай ижодий тафаккур дивергент шаклда бўлса, у ижодий парвоз, янгиликларни кашф этишга асос бўлади. Фикрнинг кашф этиш, янгилик яратишга қаратилган фаолияти базан унинг креативлик сифати билан боғлаб тушунтирилади. Креативлилик - шундай хислатки, у гўёки йўқ жойда бор қилади, яъни оддийгина, жўнгина нарсаларга бошқача, бировларникига ўхшамаган ёндашувларни талаб

килади. Масалан, учта сўз берилган - “қалам”, “кўл”, “айиқ”. Учасини кўшиб, янги жумлалар тузиш керак. Ҳар ким ўзидаги креативлик даражасига кўра турли хил жумлалар тузса бўлади, масалан, “Бола қаламни олиб, кўлда чўмилаётган айиқ расмини чизди”. Ёки “Терак қаламчалари экиб чиқилган кўл ёқасида бир айиқ боласини чўмилтирарди”. Шунга ўхшаш кўплаб жумлалар тузиш мумкин.

Тарихий тараққиёт давомида одамлар ўз олдиларида турган масалаларни дастлаб амалий фаолият нуқтаи назаридан ечганлар; кейинчалик ундан назарий фаолият ажралиб чиққан. Амалий ва назарий фаолият ўзаро чамбарчас боғлангандир. «Ғоялар, тасаввурлар ва онг ишлаб чиқариши даставвал бевосита моддий фаолиятга кўшилиб кетган бўлади...» Бу шуни англатади, соф назарий фаолият бирламчи эмас, балки амалий фаолиятнинг ўзи бирламчидир. Амалий фаолиятнинг тараққиёти давомида ундан нисбатан мустақил назарий фикр юритиш фаолияти ажралиб чиқади.

Фақат бутун инсониятнинг тарихий тараққиётида эмас, балки ҳар бир боланинг психик тараққиёти жараёнида ҳам асос соф назарий фаолият эмас, балки амалий фаолият ҳисобланади. Фаолият жараёнида аввал бола тафаккури ривожланади. Боғчагача ёш даврида (3 ёшгача) асосан кўргазмали ҳаракат тафаккури бўлади. Бола билаётган объектларини ўз қўллари билан амалий равишда ва гўё табиий равишда ажратади, бўлакларга бўлади ҳамда, айна чоғда идрок қилинаётган нарсаларни бирлаштиради, солиштириб кўради, нарсаларни бир-бири билан боғлаб, анализ ва синтез қилади. +изиқувчан болалар кўпинча «ичида нима борлигини» билаш мақсадида ўз ўйинчоқларини бузиб синдириб кўрадилар.

Психолог Э.Ғ.Ғозиевнинг таъкидлашича, кўргазмали-образли тафаккур содда формада кўпинча боғча ёшидаги болаларда пайдо бўлади (4-7 ёш). Бу ёшдаги болаларда тафаккурнинг амалий ҳаракатлар билан алоқаси гарчи сақланиб қолса ҳам, лекин бу алоқа аввалгидек мустаҳкам, тўғри ва бевосита бўлмайди. Бола билаётган объектни анализ ва синтез қилиши давомида қизиқтираётган нарсани қўллари билан албатта ва ҳамма вақт ҳам ушлаб

кўриши шарт эмас. Жуда кўп ҳолларда системали равишда объектни амалий тимирсклаб кўриш талаб қилинмайди. Лекин барча ҳолларда мазкур объектни аниқ идрок қилиш ва яққол тасаввур этиш шартдир. Бошқача қилиб айтганда, боғча ёшидаги болалар фақат кўргазмали образлар билан фикр юритадилар ва ҳали тушунчаларга эга бўлмайдилар.

Болалар амалий ва кўргазмали-ҳиссий тажрибалари асосида уларнинг мактаб ёшидаги даврларида содда шаклдаги мавҳум тафаккур, яъни мавҳум тушунчалар шаклидаги тафаккур ривожланади. Тафаккур бу ерда фақат амалий ҳаракатлар тарзида ва кўргазмали образ шаклида эмас, балки аввал мавҳум тушунчалар ва муҳокамалар шаклида намоён бўлади.

Мактаб ўқувчиларининг турли фанлар-математика, физика, тарих асосларини ўзлаштиришлари давомида тушунчаларни эгаллашлари уларнинг ақлий тараққиётлари учун катта аҳамиятга эгадир. Математика, география, физика, биология ва бошқа кўплаб тушунчаларни мактаб таълими давомида таркиб топтириш ва ўзлаштириш жуда кўп тадқиқотларнинг предметини ташкил этади. Бу ишларда тушунчаларнинг хусусан қайси белгилари, қандай изчилликда, қандай шароитларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши батафсил қараб чиқилади. Мактаб таълимининг охирига келиб, болаларда маълум даражада тушунчалар системаси таркиб топади.

1.2.1.жадвал

<i>Тафаккурнинг индивидуал сифатлари</i>
Мустақиллиги
Эпчиллиги
Фикрнинг тезлиги
Эгилувчанлиги
Танқидийлиги
Махсулдорлиги
Мазмундорлиги
Ижодийлиги

Ҳар хил одамларда тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари энг аввало уларда фикрлаш фаолиятининг ҳар хил ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи турлари ҳамда шакллари турлича нисбатда таркиб топгани учун юзага келади. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига билиш фаолиятининг мустақиллик, эпчиллик, фикрнинг тезлиги каби бошқа сифатлари киради.

Тафаккурнинг мустақиллиги даставвал янги масала, янги муаммони кўра билиш ва қўя билишда, ундан сўнг эса уларни ўз кучи билан еча билишда намоён бўлади. Тафаккурнинг ижодий характери мана шундай мустақилликда ёрқин ифодаланади.

Тафаккурнинг ўзгарувчанлиги шундан иборатки, масалани ечишнинг бошда белгиланган йўли (плани) чиқиб аста-секин юзага чиқадиган ва аввалдан ҳисобга олиб бўлмаган муаммо шартларини қаноатлантирмаса, ана шу йўлни ўзгартира олишдан иборатдир.

Фикрнинг тезлиги хусусан шундай ҳолларда керак бўладики, баъзан (масалан, жанг пайтида, авария пайтида) кишидан бирор қарорни жуда қисқа муддат ичида қабул қилиш талаб қилинади. Фикрнинг тезлиги мактаб ўқувчиларига ҳам керакдир.

Тафаккурнинг юқорида кўрсатилган барча ва жуда кўп сифатлари унинг асосий сифати ёки белгиси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай тафаккурнинг энг муҳим белгиси, унинг айрим индивидуал хусусиятлардан қатъий назар муҳим томонларини ажратиб, мустақил равишда тобора янги умумлаштиришларга кела билишдан иборатдир. Киши ўйлаётган пайтда, бу ўйнинг ҳатто жуда ёрқин, қизиқ, янги ва ғавқулодда бўлишига қарамай, бирор нарса ёки ҳодисаларни шархлаш билан чекланмайди. Тафаккур мазкур ҳодисанинг моҳиятига чуқур кирган ва ташқи жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишидан қатъий назар, озми ёки кўпми бир хил ҳодисаларни барчасининг умумий тараққиёт қонунини кашф этган ҳолда зарур равишда олдинга қараб боради.

1.3. Хотира ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари

Психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, индивид ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги ҳатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади. Индивидуал тажриба ортиб бориши ҳисобига хулқ-атвор секин-аста мураккаблашди. Агар ташқи дунёнинг мия қобиғида ҳосил бўладиган образлари беиз йўқолиб кетаверса, тажрибанинг шаклланиши мутлақо мумкин бўлмай қолар эди. Бу образлар бир-бири билан ўзаро турли хил алоқалар боғлаган ҳолда мустаҳкамланиб, сақланиб қолади ҳамда ҳаёт ва фаолият талабларига мувофиқ тарзда яна бошқатдан намоён бўлади.

Индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга туширишига хотира деб аталади.

Биз сезган, идрок қилган нарсалар из қолдирмасдан йўқолиб кетмайди, балки маълум даражада эсда сақланиб қолади ва қулай шароитда ёки керак бўлганда эсимизга тушади. Кунлик тажрибамиз шуни кўрсатади, эсда қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам эсимизга тушавермайди, уларнинг бир қисми унутилади. Унутиш ҳам хотирага оид ҳодисадир. Эсда қолган нарса хотира материални, эсда сақланиб турадиган ва эсга тушириладиган нарса эса хотиранинг мазмунини ташкил қилади. Онгимиз акс эттирган нарсаларни мустаҳкамлаш, сақлаб қолиш ва кейинчалик тиклашдан иборат бўлган ақлий фаолият хотирадир.

Хотира жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади. Муайян бир материални эсда олиб қолиш ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажриба орттирилишига боғлиқдир. Эсда олиб қолинган нарсани кейинчалик бўладиган фаолиятда қўллаш учун уни эсга тушириш тақозо этилади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унитилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг хулқ-атвори унинг бутун ҳаётий тажрибаси билан белгиланади.

Хотира шахс психик ҳаётининг энг муҳим, белгиловчи хусусияти ҳисобланади. Хотиранинг роли «Ўтмишда юз берган» нарсани акс эттириш билангина чекланиб қолмайди. Шунингдек, хотира барча психик жараёнларнинг энг муҳим характеристикаси бўлиши билан бирга инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Хотира фаолияти эсда олиб қолишдан бошланади. Биз ҳамиша бирор нарса ёки ҳодисани идрок қиламиз, бирор нарса ёки ҳодисани эсда олиб қоламиз. Эсда олиб қолиш жараёни энг аввал мия пўстида идрок қилинаётган нарсалар - буюм, сурат, сўз, фикр ва ҳоказоларнинг «излари» ҳосил бўлишидан ва айнаи вақтда эсда олиб қолинадиган материал билан кишида мавжуд билим ва тажриба ўртасида, эсда қоладиган материалнинг айрим қисмлари ёки элементлари ўртасида боғланиш вужудга келишидан иборатдир.

Эсда олиб қолишнинг икки тури мавжуд: ассосиатив ва мантиқан эсда қолдириш. Бир вақтда ва бир жойда бирин-кетин идрок қилинган икки ёки бир қанча нарса ва ҳодисаларнинг образлари ўртасида мияда ҳосил бўладиган боғланиш ассосиатив боғланиш ёки ассосиация дейилади. Масалан, бирорта ашулани эшитиб туриб, айнаи замонда шу ашулани айтаётган одамнинг ўзини ҳам кўрсак, шу ашулани идрок қилиш ўртасида ёндош ассосиация ҳосил бўлади. Ассосиациянинг ёндошлик ассосиациясидан ташқари ўхшашлик, қарама-қаршилик турлари ҳам мавжуд.

Маъносига тушуниб ёки мантиқан эсда олиб қолиш жараёнида асосий ўринда фикрлаш жараёнлари туради. Эсда қолдирилаётган материалнинг айрим қисмлари ва элементлари ўртасидаги маъно ва мантиқий боғланишларни фикр юритиш йўли билан очилади. Маъно боғланишларни очиш бирорта нарсанинг образини оддий эсда олиб қолиш эмас, балки нарса ва ҳодисаларга хос бўлган энг муҳим ва зарурий боғланишларни очиш демакдир, бир гуруҳ доирасига кирган нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгилари, улар ўртасидаги сабаб ва натижа боғланишларини аниқлаш демакдир.

Ўтмишда идрок қилинган нарсаларнинг ҳис-туйғу, фикр ва иш ҳаракатларнинг онгимизга қайтадан тикланиши эсга тушириш дейилади. Эсга туширишнинг нерв-физиологик асоси бош мия пўстида илгари ҳосил бўлган нерв боғланишларнинг қўзғалишидир.


Идрок қилинган нарсалар миямизда ўрнашиб қолиши, эсимизда туриши туфайли, улар турли усулда эсимизга тушиши мумкин. Эсда сақлаш дейилганда илгари туғилган таасурот, фикр, ҳис-туйғу ва иш ҳаракатларнинг жонланиб, такрорланиб туришга мойиллик пайдо қилиши ва мустаҳкамланишини тушунамиз. Ана шундай мойилликнинг ҳосил бўлиши ва мустаҳкамланиб қолиши нерв системасининг пластиклик деб аталувчи алоҳида хусусиятга эга бўлиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам нерв системаси илгари бўлиб ўтган тассуротларни такрорлашга тайёр туради. Унутиш-илгарилари эсда олиб қолинган нарсаларнинг онгимиздан тамомила йўқолиши, яъни уни эсда тутишга батамом қарама-қарши жараён деб тушунамиз. Бу хато фикрдир. Эсдан чиқариш хотирани кўпгина кераксиз деталлардан ҳоли қилиш ва эслаб қолинганини умумлаштириш, шу орқали унинг сақланиб қолишига ёрдам беради. Эсдан чиқаришнинг ўзига хос хусусияти унинг бир текисда бўлмаслигидир. Эсдан чиқаришнинг олдини олиш учун у материални шундай, бироқ ўз вақтида такрорлаш кифоядир, чунки эсдан чиқарилган нарсани қайта тиклаш учун анчагина меҳнат талаб қилинади.

Хотиранинг механизмлари ҳақидаги физиологик назариялар И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти қонуниятлари ҳақидаги таълимотининг энг муҳим қоидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Муваққат шартли боғланишларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги таълимот - бу субъектнинг индивидуал тажрибаси таркиб топиши механизмлари ҳақидаги таълимот, яъни аслида «физиологик даражада эсда олиб қолиш» назариясидир.

Хотира киши ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этиши сабабли унинг намоён бўлиши шакллари ҳам бениҳоя ранг-барангдир. Хотиранинг турларга бўлиниши, энг аввало, эсда олиб қолиш ва яна қайта

эсга тушириш жараёнлари ўрин олган фаолиятнинг айнан ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқ бўлиши керак. Бу хотиранинг у ёки бу тури кишида унинг психик тузилишига хос хусусият сифатида гавдаланган ҳоллар учун ҳам тўғридир. Муайян психик хусусият фаолиятда гавдаланмасидан олдин унда шаклланади.

Хотира таърифларининг эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар хил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.



Бунда хотиранинг айрим турлари учта асосий мезонга мувофиқ тарзда бўлинади:

1) фаолиятда кўпроқ сезилиб турадиган психик фаолликнинг хусусиятига қараб хотира ҳаракат, эмоционал, образли ва сўз-мантиқли турларига бўлинади;

2) фаолиятнинг мақсадлари хусусиятларига кўра ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира турларига бўлинади

3) материални қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кўра (унинг фаолиятдаги роли ва тутган ўрнига боғлиқ равишда) қисқа муддатли, узоқ муддатли хотира турларига бўлинади.

Ҳаракат хотираси - турли хилдаги иш ҳаракатлари ва уларнинг системасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва яна қайта эсга туширишдан иборатдир.

Эмоционал хотира - ҳис-туйғуга хос хотирадир. Ҳис-туйғулар ҳамиша бизга эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётгани, бизнинг теvarак-атрофдаги оламга муносабатимиз қандай ёълга қўйилганлиги ҳақида хабар бериб туради. Шунинг учун ҳам ҳиссий хотира ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Образ хотираси тасаввурларни, табиат ва ҳаёт манзараларини, шунингдек, товушларни, ҳидларни, таъмларни эсда олиб қолишдан иборат хотира ҳисобланади. У кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билишга оид хотирадир.


Бизнинг ўй-фикрларимиз сўз-мантиқ хотиранинг мазмунини ташқил этади. Ўй-фикрлар нутқсиз мавжуд бўла олмайди, шунинг учун ҳам уларга оид хотира ҳам шунчаки мантиқий деб эмас, балки сўз-мантиқ хотира деб аталади. Ўй-фикрлар турли хилдаги тил шаклларида мужассамлашган бўлиши мумкинлиги важдан уларнинг акс эттирилиши материалнинг ё фақат асосий моҳиятини етказишга, ёхуд унинг айнан сўз билан ифода этилишига қаратилган бўлиши мумкин.

Бирон нарсани эсда олиб қолиш ёки эслаш учун махсус мақсад бўлмаган ҳолда эсда олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш ихтиёрсиз хотира деб аталади.

Олдимизга биронта мақсад қўйиб эсда олиб қолганимизда ихтиёрий хотира ҳақида гап боради.

Ҳар кимнинг ўзига хос хотира хусусиятлари бор. Ҳар кимнинг хотирасидаги фарқ хотиранинг кучида ифодаланади. Маълумки, хотираси кучли ва хотираси заиф одамлар бор. Хотиранинг кучли-кучсиз бўлиши эсда олиб қолиш ва эсдан чиқариш тезлик даражасига қараб белгиланади. Тез эсга олиб секин, бора-бора унутиш кучли хотиранинг характерли хусусияти бўлса, секин эсда олиб қолиш ва тез эсдан чиқариб қўйиш кучсиз хотира белгиларидандир.

Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш каби асосий жараёнлар мавжуд бўлади. Шу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади.



Муайян бир материални эсда олиб қолиш ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажриба орттиришга боғлиқ бўлади. Эсда олиб қолинган нарсани кейинчалик фаолиятда қўлланиш учун уни эсга тушириш тақозо этилади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унутилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг хулқ – атори унинг бутун ҳаётини тажрибаси билан белгиланади.

Ҳар кимнинг ўзига хос хотира хусусиятлари мавжуд. Хотирадаги бу фарқ унинг кучида ифодаланади. Бировда хотира кучли бўлса, бошқа бировда кучсиздир.

Хотиранинг кучли ёки кучсиз бўлишини биз эсда қолдириш ва унутишнинг тезлик даражасига қараб белгилаймиз. Тез эсга олиб, жуда секин унутиш кучли хотиранинг белгиси бўлса, секин эсга олиб қолиб, тез унутиш кучсиз хотира белгисидир. Шунга қараб кишилардаги хотирани тўрт типга бўламиз:

Хотира типлари

Эсда қолдириш

Тез
Секин
Тез
Секин

Унутиш

Секин
Секин
Тез
Тез

Хотирани яна кўриш, эшитиш, ҳаракат деган типларга ҳам ажратиш мумкин. Лекин соф хотира кам учраб, кўпроқ аралаш хотира (кўриш-ҳаракат, кўриш-эшитиш, ҳаракат-эшитиш каби) хиллари учрайди.

Хотиранинг юқорида санаган бу типлари туғма, ўзгармайдиган нарса эмас, балки уни тарбиялаш, ўзгартириш, кучли хотира қилиш мумкин.

Хотира психологиянинг энг кўп ўрганилган бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин ҳозирги пайтда хотиранинг қонуниятлари янада ўрганилиши уни фаннинг тағин ҳам муҳимроқ муаммосига айлантириб қўйди.

2-Боб. КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИДА ХОТИРА ВА ТАФАККУР БОҒЛИҚЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ

2.1. Мантикий тафаккур махсулдорлигини аниқлаш усули

Мантикий тафаккур инсон билиш фаолиятининг энг юқори шакли ҳисобланади. мантикий тафаккурни ўрганишга мўлжалланган кўплаб методикалар яратилган. Мантикий тафаккурнинг махсулдорлиги шахснинг мулоқоти жараёнида унинг турли атамаларни тўғри ва ўз ўрнида қўллашида, сўзларда ёки бошқа кўринишда ифодаланган маълумотларни тез илғаб олишида, шунингдек, ўз фикрини изчил баён этишида кўринади. Мантикий тафаккур махсулдорлигини аниқлаш усули ана шундай хусусиятларнинг намоён бўлишини текшириш асосида ишлаб чиқилган.

Тажриба ўтказиш жараёнида синалувчига қуйидагича кўрсатма берилади: «Сизга тақдим этилган бланкнинг биринчи устунда 1 дан 30 гача қатор, иккинчи устунда эса 1 дан 15 гача қатор бириктирилган Сизнинг вазифангиз дастлаб биринчи устунга 30 та «с» ҳарфи билан бошланадиган от сўз туркумига тааллуқли сўзни ёзиб, ишни бажаришингиз учун кетган вақтни белгиланг. Шундан сўнг Сиз иккинчи қаторга ўтиб, яна «с» ҳарфи билан бошланадиган 15 та сифат сўз ёзинг ва сарфланган вақтни белгиланг. Вақт ҳисобга олинишини унутманг! Шундан сўнг аввалги қаторга сарфланган вақтни белгиланг. Агар кейинги 15 та сўзни ёзишингиз қийин бўлса, сабр қилинг. Аммо 10 минут давомида ишни тўхтатишингиз лозим ва дархол сарфланган вақтни қайд қилинг.

Натижалар таҳлили. Барча 45 та сўзни ёзиш учун сарфланган вақт иккала қаторни тўлдириш учун кетган вақт йиғиндисига тенг.

Масалан, синалувчи

1-қатор бўйича $30:5=6$, яъни ҳар бир тўғри топилган сўзга 6 секунд вақт берилади. Агар 2 та сўзда хато аниқланса, талаба сарфлаган умумий вақтдан 12 секунд вақт олиб ташланади.

2-қатор бўйича: $15:4=3,7$ секунд 1 та хато, 3,7 секунд 3 минут, 56 секунд. $4,48+3,56=8$ мин 4 сек

Демак, мантикий тафаккур маҳсулдорлиги юқори.

Синалувчининг мантикий тафаккурини баҳолаш:

7 дан 10 минутгача мантикий тафаккур маҳсулдорлиги юқори;

10 дан 15 гача мантикий тафаккур маҳсулдорлиги ўртача

15 дан 18 гача мантикий тафаккур маҳсулдорлиги паст

Намуна

1-синалувчи: Т. Ш

1	қўл	1	қўзичоқ
2	қулоқ	2	қизалоқ
3	қош	3	қирғиз
4...		4...	
30		15	
5 минут			

Бизнинг тадқиқотимизда жами 54 нафар синалувчи иштирок этди ва муайян натижаларга эришди.

2.1.1.жадвал


**Синалувчи ўқувчиларнинг “Мантикий тафаккур
маҳсулдорлигини аниқлаш усули” “МТМ”тести бўйича кўрсаткичлари**

№	Синалувчилар	МТМ юқори	МТМ ўртача	МТМ паст
1	И.К.	3	4	5
1	М.З.		+	
2	О.Ч.		+	
3	Ж.Ф.	+		
4	Қ.А.	+		
5	Ж.Ф.			+
6	А.К.			+
7	Ш.Х.		+	
8	Ш. Д.	+		

9	А.А.			+
10	С.Н.		+	
11	Ф.Р		+	
12	С.А.			+
13	Э.У.		+	
14	А.Д.	+		
15	М.У.		+	
16	С.П.			+
17	А.Р.	+		
18	С.Т.		+	
19	Б.Ш.			+
20	В.М.			+
21	И.Р.		+	
22	М.Я.		+	
23	Т.Ч.	+		
24	Д.Ф.			+
25	Қ.И.		+	
26	Т.Ф.		+	
27	А.Ч.		+	
28	Х. Ш.	+		
29	Д. Ш.		+	
30	А.А.	+		
31	Н. С.		+	
32	Р Ф.		+	
33	А. С.			+
34	Э.У.		+	
35	Д. А.		+	+
36	М.У.	+		
37	П. С.		+	

38	Р. А.		+	
39	С.Т.	+		
40	Ш. Б.			+
41	М. В.	+		
42	И.Р.		+	
43	М.Я.			+
44	Т.И.	+		
45	Ф. Д.			+
46	Қ.И.		+	
47	Т.Ф.	+		
48	А.Ч.		+	
49	С.Т.			+
50	Ш. Б.	+		
51	М. В.		+	
52	И.Р.			+
53	М.Я.			+
54	Т.Ч.		+	
	Жами:	14	24	16

Жадвал натижаларини қуйидаги графикда кўргазмали холда ифодалаймиз:



Кўриниб турибдики коллеж ўқувчиларининг мантикий тафаккур кўррсаткичлари даражаси паст бўлганлари фоизни ташкил этган. Бу албатта яхши ҳолат эмас. Коллеж ўқувчилари келгуси ҳаёт фаолиятлари самарали бўлиши учун етарли даражада мантикий тафаккурга эга бўлиши лозим. Шунинг учун битирув малакавий иш бўйича тадқиқотларимизда фақатгина ўқувчиларнинг тафаккури диагностикасини амалга ошириш эмас уларнинг камчиликларини коррекциялашни ҳам режалаштирганмиз. Кейинги тадқиқотларимизда бу борадаги амалга оширган ишларимизни келтирамиз.

2.2. Хотира кўламини материалнинг анланганлик даражасига боғлиқлигини текшириш

Битирув малакавий ишимизда коллеж ўқувчиларининг хотира хусусиятларини ҳам ўрганишни мақсад қилиб қўйган эдик. Маълумки психологияда хотира хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган методикалар жуда кўп. Улардан айримларини келтириб ўтамиз.

Материални ёд олиш ҳам хотира билан бевосита боғлиқ бўлади. “Ёд олиш жараёнини текшириш” усули ёрдамида ўқувчилар хотирасининг хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Тажриба мақсади: Ёд олиш жараёнини текшириш.

Тажриба материали: Текширувчи ва текширилувчи, 12 та сўз ёзилган бланк.

Методика битта тажрибадан иборат. Текширилувчига маъно жиҳатдан боғланмаган 12 та сўз кўрсатилади ҳамда бу сўзларни истаган тартибда эслаб қолиб яна қайта эсга тушириш илтимос қилинади. Текширилувчи тартибда эслаб қолиб жавоб берилган ҳар бир элемент сонини қайд қилиб боради. Тажрибада 12 та сўзнинг ҳаммаси эслаб қолингунча давом эттирилади. Материаллар баъзи бир элеиентларни ажратмасдан, бир хил ҳолатда, донадона қилиб юқори овоз билан ўқилади

Элементлар ўртасидаги ўқиш оралиги бир дақиқани ташқил қилади. Материалларни қайта намоиш қилиш берилган жавобдан 5 дақиқа ўтгандан сўнг бажарилади. Агар текширилувчи намоиш қилинмаган сўз айтса, бу нарса протоколга қайд қилинади. Тажриба тугатгандан кейин текширилувчи оғзаки ҳисобот беради. Бу нарса протоколга ёзиб қўйилади. Бундан ташқари текширилувчи тажриба давомида текширилувчининг хатти-ҳаракатларини ҳам протоколга ёзади.

Текширилувчига кўрсатма: "Мени диққат билан эшитинг. Мен ҳозир сизга бир неча сўз ўқийман. Сиз бу сўзларни яхшилаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг ва мен ўқишни тугатишим биланок, шу сўзларни эсда олиб қолганингизни менга айтиб беринг". Текширувчи Диққат! Бошладик! деб буйруқ берганидан сўнг тажриба бошланади ва сўзлар ўқиб берилади.

Текширувчи тажрибани охиригача қуйидаги тартибада олиб боради. Қайта эсга туширилгандан сўнг, "Сиз ҳамма сўзларни эсда олиб қола олмадингиз. Мен бу сўзни яна бир марта ўқиб бераман. Сиз бу сўзларни қай тартибда бўлса ҳам эслаб қолишга ҳаракат қилинг ва менга жавоб қайтаринг. Бу ҳолат ҳамма сўзлар тўлиқ эсда олиб қолингунча давом этади. Ҳамма сўзлар тўлиқ эсда олиб қолингандан сўнг "Мана энди сиз ҳамма сўзларни эслаб қолдингиз. Тажриба тугади", дейилади.

Тажриба натижаларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишда:

1. Ҳар бир такрорлашдан тўғри эсда олиб қолинган сўзларнинг умумий сони ҳисобланади ва "У" ҳарфи билан белгиланади.

2. Олинган ушбу натижага қараб ёд олиб қолишнинг умумий жадвали чизилади.

Бундан ташқари текширилувчининг оғзаки ҳисоботи ва текширилувчининг кузатишлари ҳам таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади. Охирида ҳар бир текширилувчининг жадвали бир-бирига солиштириб чиқилади ва хулоса қилинади.

Биз тадқиқотимизда "Ҳотира кўламининг материални англаганлик даражасига боғлиқлигини аниқлаш" усулини қўлладик. Чунки ушбу

методикада қўлланиладиган материалнинг хусусиятини ўзгартириб турли ёшдаги ўқувчиларда қўллаш мумкин.

“Хотира кўламининг материални анланганлик даражасига боғлиқлигини аниқлаш” усулида:

Тажриба мақсади: Хотира кўламини материалнинг анланганлик даражасига боғлиқлигини аниқлаш.

Тажриба материали: Маъно жиҳатдан боғланган ва боғланмаган сўзлар қатори келтирилган бланк. Методика учта тажрибани ўз ичига олган бўлиб, бу тажрибалар бир хил тартибда тўзилгандир. Улар эслаб қолиш учун берилаётган материалнинг турлича намоиш этилиши билан фарқ қилади:

Биринчи тажрибада ҳеч қандай маънога эга бўлмаган, учта ҳарфдан иборат бўлган сўзлар намоиш қилинади.

Масалан: кан, ван, сор, тин.

Иккинчи тажрибада эса маъно билдирган ҳолда умумий номга бирикмайдиган сўзлар намоиш қилинади.

Масалан: қовун, темир, дарё, тахта, сугир, чой.

Учинчи тажрибада эса маъно жиҳатдан умумий номга бирикувчи сўзлар намоиш қилинади: Масалан: мева, барг, илдиз, поя, гул, дарахт, шох, кўчат.

Ҳар бир тажрибада текширилувчига кетма-кет равишда 4,6 ва 8 сўздан иборат бўлган қаторлар намоиш қилинади. Ҳамма тажрибавий материал олдиндан тайёрлаб олинади ҳамда протоколга натижалар қайд қилиб борилади:

Тажриба протоколи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

текширилувчи _____ тажриба вақти _____

текширувчи _____

Намойиш қилинади	Сўзлар 1,2,3,4 (кан, ван, сор, тин.)	Сўзлар 1,2,3,4,5,6 (ковун, темир, дарё, тахта, сигир, чой.)	Сўзлар 1,2,3,4,5,6,7,8 (мева, барг, илдиз, поя, гул, дарахт, шоҳ, кўчат)
Қайта эсга туширилди			
Тажриба № 1 (маъносиз сўзлар)			
Тажриба № 2 (ўзаро боғланмаган сўзлар)			
Тажриба № 3 (маъно жиҳатдан боғланган сўзлар)			

Тажриба натижаларини таҳлил қилишда текширилувчининг оғзаки ҳисоботи:

Текширувчининг кузатуви:

Намойиш қилинадиган материалга қийин ҳамда кундалик ҳаётимизда кам ишлатиладиган сўзларни ёзиш тавсия қилинмайди. Иложи борица 4 ва 5 та ҳарфдан иборат бўлган сўзларни бериш керак.

Ҳар бир қатор орасидаги вақт 2-3 минутни, тажрибалар орасидаги вақт эса 10 минутни ташқил қилиши керак.

Олинган натижаларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш.

Аввало олинган натижалар протоколга ёзиб борилади. Бунда ҳар бир элементнинг номи эмас, балки тартиб рақами ёзиб борилади, Эсдан чиқарилган элементлар протоколга қайд қилинмайди. Агар текширилувчи берилган материалдаги элементдан ташқари элемент номини ёзса, бу нарса протоколда қайд қилинади.

Бундан ташқари ҳисоблаш чоғида ҳар бир қатор учун умумий бўлган иш самарадорлиги (фоизларда) текширилади. Ушбу ҳолатда қатордаги тўғри эслаб қолинган сўзлар сони умумий сонга бўлинади.

Масалан: Биринчи қаторда 4 та сўздан 3 таси эслаб қолинди, дейлик.

Демак,

$$\frac{3}{4} = 0,75\%$$

Биринчи қаторни эслаб қолиш самарадорлиги 0,75 % ни ташкил қилади. Шунга ўхшаш ҳолда бошқа қаторларнинг ҳам иш самарадорлиги ҳисоблаб топилади.

Натижалар таҳлил қилиниб, хулоса чиқаришда ҳар бир тажриба бошқа тажрибалар билан солиштириб қўйилади, улар орасидаги фарқ аниқланади ҳамда бу фарқларнинг асосий сабаби нимада эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Ушбу методика орқали ўтказилган тажрибаларда “Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини аниқлаш” усули бўйича ўтказилган тажрибаларда қатнашган барча 54 нафар ўқувчилар қатнашдилар.

Синалувчиларнинг натижаларига баҳо беришда бироз ўзгартириш киритдик, яъни биринчи тажриба бўйича агар синалувчининг натижаси 100% ни ташкил этса - 20 балл, 75% - 15 балл, 50% - 10 балл, 25% - 5 балл берилади.

Тажриба натижалари қуйидаги мезон билан баҳоланади:

1. 25% дан паст бўлса, синалувчининг мантикий тафаккур маҳсулдорлиги даражаси паст,
2. 25% -75% оралиғида бўлса, синалувчининг мантикий тафаккур маҳсулдорлиги даражаси ўртача,
3. 75% дан юқори бўлса, синалувчининг мантикий тафаккур маҳсулдорлиги даражаси юқори.

Иккинчи тажрибада эслаб қолиниши лозим бўлган сўзлар сони бта бўлганлиги туфайли ушбу босқичдаги тажриба натижалари қуйидаги мезон билан баҳоланади:

1. 33,3% дан паст бўлса, синалувчининг хотира кўлами паст даражада,
2. 33,3% -50% оралиғида бўлса, синалувчининг хотира кўлами ўртачалан паст,
3. 50%-66,6% оралиғида бўлса, синалувчининг хотира кўлами даражаси ўртача.
4. 66,6%- 83,3 % оралиғида бўлса, синалувчининг хотира кўлами ўртачадан юқори.
5. 83,3 % дан юқори бўлса, синалувчининг хотира кўлами даражаси юқори

Худди шундай учинчи тажриба бўйича ҳам алоҳида баҳолаш мкзонини ишлаб чиқдик. У қуйидагича бўлди:

1. 37% дан паст бўлса, синалувчининг хотира кўлами даражаси паст,
2. 37% -62,5% оралиғида бўлса, синалувчининг хотира кўлами даражаси ўртача.
3. 62%-87% оралиғида бўлса, синалувчининг хотира кўлами ўртачадан юқори.
4. 87% дан юқори бўлса, синалувчининг хотира кўлами даражаси юқори

**“Хотира кўламини материалнинг англаганлик даражасига
боғлиқлигини текшириш” усули бўйича синалувчиларнинг
натижалари**

№	Синалувчилар	Тажриба № 1	Тажриба №2	Тажриба № 3	Хотира кўлами даражаси
1	2	3	4	5	6
1	И.К.	50	66,6	37	ўртача
2	М.З.	75	83,3	87	ўртачадан юқори
3	О.Ч.	75	66,6	62,5	ўртача
4	Ж.Ф.	100	83,3	75	юқори
5	Қ.А.	50	50	62,5	ўртача
6	Ж.Ф.	50	66,6	62,5	ўртача
7	Ш.Ю.	25	50	62,5	ўртачадан паст
8	Ш. Д.	100	83,3	87	ўртачадан юқори
9	А.А.	50	66,6	87	ўртача
10	С.Н.	50	66,6	62,5	ўртачадан юқори
11	Ф.Р	25	50	37	ўртачадан паст
12	С.А.	50	83,3	87	ўртачадан юқори
13	Э.У.	25	66,6	62,5	ўртача
14	А.Д.	50	83,3	87	ўртачадан юқори
15	М.У.	50	66,6	62,5	ўртачадан юқори
16	С.П.	50	33,3	87	ўртача


17	А.Р.	75	83,3	87	ўртачадан юқори
18	С.Т.	25	33,3	37	паст
19	Б.Ш.	50	83,3	62,5	ўртачадан юқори
20	В.М.	50	50	62,5	ўртача
21	И.Р.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
22	М.Я.	50	62,5	87	ўртачадан юқори
23	Т.Ч.	100	83,3	87	юқори
24	Д.Ф.	25	50	37	ўртачадан паст
25	Қ.И.	75	83,3	62,5	ўртачадан юқори
26	Т.Ф.	50	66,6	62,5	ўртача
27	А.Ч.	25	66,6	87	ўртача
28	Х. Ш.	100	100	100	юқори
29	Д. Ш.	25	33,3	37	паст
30	А.А.	75	83,3	62,5	ўртачадан юқори
31	Н. С.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
32	Р Ф.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
33	А. С.	50	33,3	62,5	ўртача
34	Э.У.	75	83,3	87	юқори
35	Д. А.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
36	М.У.	50	66,6	62,5	ўртача

37	П. С.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
38	Р. А.	50	50	62,5	ўртача
39	С.Т.	50	50	62,5	ўртача
40	Ш. Б.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
41	М. В.	75	100	87	юқори
42	И.Р.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
43	М.Я.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
44	Т.Ч.	100	100	100	юқори
45	Ф. Д.	50	66,6	62,5	ўртачадан паст
46	Қ.И.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
47	Т.Ф.	100	100	100	юқори
48	А.Ч.	100	83,3	87	юқори
49	С.Т.	50	66,6	37	ўртача
50	Ш. Б.	25	50	62,5	ўртача
51	М. В.	50	33,3	62,5	ўртачадан паст
52	И.Р.	50	66,6	62,5	ўртача
53	М.Я.	25	33,3	37	паст
54	Т.Ч.	50	66,6	87	ўртачадан юқори
	Жами:				

2.2.1.жадвал кўрсаткичлари бўйича синалувчиларнинг хотира кўламининг ўзига хослигини 2.2.2.жадвалда ифодалаймиз

Хотира кўлами даражаси	Юқори	Ўртачадан юқори	Ўртача	Ўртачадан паст	Паст
Синалувчилар сони	7 нафар	20 нафар	15 нафар	5 нафар	7 нафар
Синалувчиларнинг умумий сонига нисбатан %	12%	38%	28%	10%	12%

2.2.2.жадвал кўрсаткичларини қуйидаги гистограммада кўргазмали холда ифодалаймиз



2.3.Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик

Тадқиқотимизнинг диагностика босқичида таъкидлаб ўтганимиздек, коллеж ўқувчиларининг “Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини аниқлаш” усули ёрдамида тафаккур хусусиятларини ҳамда “Хотира кўламининг материални англаганлик даражасига боғлиқлигини аниқлаш” усули орқали хотира хусусиятларини ўрганишлан мақсад уларнинг тафаккур ва хотираси ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдан иборат эди. Шунинг учун ушбу параграфда синалувчи ўқувчиларнинг иккала тест бўйича натижаларини қиёсий таҳлил қиламиз. Бунинг учун дастлаб, “Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини аниқлаш” усули бўйича кўрсаткичлар асосида синалувчиларни уч гуруҳга ажратиб оламиз.

1-гуруҳ - Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини юқори бўлган ўқувчилар.

2-гуруҳ - Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини ўртача бўлган ўқувчилар.

3-гуруҳ - Мантикий тафаккур маҳсулдорлигини паст бўлган ўқувчилар.

2.3.1.жадвалда 1-гуруҳ синалувчиларнинг тафаккур ва хотира хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликнинг таҳлилини келтираамиз

2.3.1.жадвал

1-гуруҳ синалувчиларнинг тафаккур ва хотира хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик

№	Синалувчилар	Мантикий тафаккур маҳсулдорлиги даражаси	Хотира кўлами даражаси	Ўқувчилар тафаккури ва хотираси боғлиқлиги
1	2	3	4	5
3	Ж.Ф.	юқори	ўртача	+
4	Қ.А.	юқори	юқори	+

8	Ш. Д.	юқори	ўртачадан юқори	+
14	А.Д.	юқори	ўртачадан юқори	+
17	А.Р.	юқори	ўртачадан юқори	+
23	Т.Ч.	юқори	юқори	+
28	Х.Ш.	юқори	юқори	+
30	А.А.	юқори	ўртачадан юқори	+
36	М.У.	юқори	ўртача	+
39	С.Т..	юқори	ўртача	+
41	М.В	юқори	юқори	+
44	Т.И.	юқори	юқори	+
47	Т.Ф.	юқори	юқори	+
51	Ш.Б.	юқори	ўртача	+

2.3.1.жадвалдан кўриниб турибдики, мантикий тафаккур махсулдорлигини юқори бўлган 14 нафар ўқувчиларнинг 6 нафарида хотира кўлами юқори бу жами гуруҳнинг 42% фоизини, 4 нафарида хотира кўлами ўртачадан юқори-бу гуруҳнинг 26% ва яна 4 нафарида хотира кўлами ўртача - бу ҳам гуруҳнинг 26% ни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги ўқувчиларнинг бирортасида хотира кўлами ўртачалан паст ёки паст даражада эканлиги кузатилмади. Демак, бу натижа ўқувчиларнинг тафаккури ва хотираси ўртасида боғлиқлик мавжуд деган хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Тадқиқотимиз натижаларини таҳлил этишнинг навбатдаги босқичида 3-гуруҳ - Мантикий тафаккур махсулдорлигини паст бўлган ўқувчиларнинг натижаларини хотира кўлами кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

**3-гуруҳ синалувчиларнинг тафаккур ва хотира хусусиятлари
ўртасидаги боғлиқлик**

№	Синалувчилар	Мантикий тафаккур маҳсулдорлиги даражаси	Хотира кўлами даражаси	Ўқувчилар тафаккури ва хотираси боғлиқлиги
1	2	3	4	5
5	Ж.Ф.	паст	ўртача	+
6	А.К.	паст	ўртача	+
9	А.А.	паст	ўртача	+
12	С.А.	паст	ўртачадан юқори	
16	С.П.	паст	ўртача	+
19	Б.Ш	паст	ўртача	+
20	В.М	паст	ўртача	+
24	Д.Ф.	паст	ўртачадан паст	+
33	А.С.	паст	ўртача	+
36	М.У.	паст	ўртача	+
40	Ш.Б.	паст	ўртачадан юқори	
43	М.Я.	паст	ўртачадан юқори	
45	Ф. Д.	паст	ўртачадан паст	
49	С.Т.	паст	ўртача	+
52	И.Р.	паст	ўртача	+
53	М.Я.	паст	паст	+

2.3.2.жадвалдан кўриниб турибдики, мантикий тафаккур махсулдорлигини паст бўлган 16 нафар ўқувчиларнинг 3 нафарида хотира кўлами ўртачадан юқори-бу гуруҳнинг 19% фоизини, 10 нафарида хотира кўлами ўртача бу жами гуруҳнинг ва 62% ва қолган 3 нафарида хотира кўлами паст - бу ҳам гуруҳнинг 19% ни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги ўқувчиларнинг бирортасида хотира кўлами юқори даражада эканлиги кузатилмади. Демак, ушбу гуруҳнинг натижалари ҳам ўқувчиларнинг тафаккури ва хотираси ўртасида боғлиқлик мавжуд деган хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

2.4. Коллеж ўқувчилари тафаккури ва хотирасини коррекциялаш

Битирув малаеавий ишимизнинг мақсади ва ишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тадқиқот ишимизда коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятларини ривожлантириш мақсадида психокоррекцион ишларни олиб бордик.

Бунда биз аввало “Мантикий тафаккур махсулдорлигини аниқлаш” усули ҳамда “Хотира кўламини материалнинг анланганлик даражасига боғлиқлигини текшириш” усули бўйича тафаккур ва хотира хусусиятларининг ривожланганлик даражаси паст ва ўртачалан паст бўлган ўқувчилар билан суҳбатлашдик ва уларни психокоррекцион тадбирларимизда иштирок этишга таклиф этдик.

3-гуруҳ, яъни Мантикий тафаккур махсулдорлигини паст бўлган ўқувчиларнинг барчаси психокоррекцион машғулотларда иштирок этишга розилик билдириб, ўзларининг бу хусусиятларини ривожлантиришни жуда истаётганликларини билдирди.

Шундан сўнг психокоррекцион ишларни олиб бориш учун дастур тузиб олдик.

Биз психодиагностик тадқиқотларимизда аниқланган тафаккур ва хотирани ташкил этувчи жараёнлардаги камчиликларни тузатиш ва ривожлантириш мақсадида психокоррекцион дастур ишлаб чиқдик ҳамда

психокоррекцион дастуримиз бир нечта талабларга жавоб беришини инобатга олдик:

1. Психокоррекцион дастурнинг мақсад ва вазифалари аниқланди.
2. Психокоррекцион дастурнинг принциплари белгилаб олинди.
3. Психокоррекцион дастурнинг фойдаланиш тартиби тизимланди.

Маълумки психокоррекцион дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш амалий, диагностик ҳамда ривожлантириш характериға эға. Ушбу психокоррекцион дастурдан фойдаланиш бундай тамойилларға асосланиши, биринчи навбатда ўқув муассассаси психологлари томонидан ўқувчилар тафаккури ва хотирасини ривожлантириш тадбирларини уюштириш бўлса, иккинчи тамойили эса шахсни ўз тафаккури ва хотирасини мустақил тарзда амалға оширишға ёрдам бериш имкониятини назарда тутади. Психокоррекцион дастурнинг бундай тартибда тузишимизға сабаб, касб-хунар коллежларида таълим-жараёнида ўқувчилар билан психологик хизмат кўрсатиш бўйича иш олиб борувчи амалиётчи психологнинг фаолият кўрсатишини ҳисобға олдик.

Бизға маълумки, коррекция атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, тузатиш, ўзгартириш ёки қисман тузатиш деган маънони англатади. Психологик коррекция эса психолог-педагогнинг психик тараққиётдан ортда қолишнинг олдини олиш ва тузатиш ишларини амалға оширадиган маълум фаолият шакли саналади. Психокоррекцияни ташкил этишда тараққиётдан ортда қолишнинг икки шаклиға эътибор қаратилади: а) асаб тизимининг органик бузилиши туфайли психик тараққиётдан орқада қолиш; б) ноқулай ташқи ҳамда ички шароитлар туфайли вақтинчалик орқада қолиш. Биринчи шакли учун клиник-психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилади.

Маълумки ривожланиш жараёни тескари жараён эмаслигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. яъни таълим жараёнида касб-хунар коллежи ўқувчидарининг билимини «охиригача етказиш», «ривожлангунича» ўқитиш шарт эмас. Шунинг учун ҳам ўқувчининг меъёрида ривожланишидан орқада қолаётганлигининг бошланғич шакллариини олдиндан аниқлаб бориш керак.

Бизнинг назаримизда ўқувчи шахсининг психик тараққиёт динамикасини назорат қилиб бориш узлуксиз таълимдаги изчиллик ва ривожланишнинг бир меъёрга кечиши учун асос яратади. Тафаккур ва хотира ривожланишининг паст даражаси кузатилган ҳолатда оптимал даражадаги имкониятни ҳисобга олиб коррекциялаш тадбирларини ташкил этиш ҳамда кучсиз ва орқага тортаётган ўқувчиларни кучлилар сафига қўшишга интилиш ва уларнинг ўзига хос имкониятларини ривожлантиришга эришиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, коррекцион ишларнинг бош мақсади ўқувчининг рухий ва шахсий жиҳатдан мукамал ривожланишига таъсир кўрсатишдан иборат. Яъни, педагогик-психологик коррекциянинг асосий масаласи ўқувчининг психик тараққиётидаги (хусусан интеллектуал) оғишларни тuzатишга қаратилган бўлади.

Биз коррекцион дастуримизда қуйидаги тамойилларни ҳисобга олдик:

- а) шахсни ривожланиш шароитида ички ва ташқи шарт-шароитларни назарда тутиб, коррекция ҳамда ривожланишнинг ягоналигига эришиш;
- б) ёш ва индивидуал хусусиятлар бирлигини ҳисобга олиш;
- в) диагностика ва коррекцион ривожланишнинг бирлига эришиш;
- г) меъёргадаги ривожланиш имконияти шароитида тафаккур ва хотираси ривожланишдан орқада қолаётган ўқувчилар ва иқтидорлилар бирлигидан фойдаланиш.

Коллеж ўқувчилари тафаккури ва хотирасини ривожлантириш дастури

Дастур мазмуни: Ушбу дастур тафаккур ва хотира жараёнларни шакллантиришга хизмат қилувчи психологик машқларни ўзида мужассамлаштирган.

Дастурнинг мақсади: Узлуксиз таълим жараёнида касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятлари диагностикасини амалга ошириш ҳамда ривожлантириш.

Дастурнинг асосланиши: Биз психокоррекцион дастурнинг таркибига киритилган машқлар ва машғулотларни аниқловчи диагностик босқич натижаларига ҳамда узлуксиз таълим жараёнидаги таълим олувчиларнинг тафаккур ва хотирасига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда танлаш ва тартиблашга амал қилдик. Чунки, бу психокоррекцион дастурнинг назорат босқичида олинаётган натижаларимизда аниқ ва керакли натижалар бериши мўлжаллаганмиз.

Психокоррекцион машғулотларни танлашда умумийликка таянилган бўлса-да, уларни амалга оширишда индивидуалликка риоя қилинди. Бу эса кўпроқ психокоррекцион машғулотларни уюштириш ва ўтказишда масъулият ва маҳоратга боғлиқ бўлди.

Психокоррекцион дастурни танлашимизни қуйидаги ҳоллар билан боғлаймиз:

1. Коррекцияга жалб этилган ўқувчиларнинг бир хил хусусиятларининг ўрганилганлиги;
2. Тадқиқот методикалари натижалари орасида алоҳида ҳолларда фарқлар кузатилишидан кўра, умумий ҳолларда бир хиллиги кузатилганлиги.
3. Психокоррекцион дастурнинг самарадорлигини текшириш мақсадида умумий тарзда қўллашга жазм этилганлиги.
4. Психокоррекцион машғулотлардан сўнг ўтказиладиган назорат босқич билан аниқловчи босқич тажриба натижаларини ўзаро таққослаш имкониятини енгиллаштириш мақсадида.

Психокоррекцион дастур ва унинг иштирокчиларини танлаш мезонлари: Биз психокоррекцион дастурни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда бир қатор мезонларни ҳисобга олдик. Бу мезонларни белгилашда биринчи навбатда ўқувчиларнинг тафаккур ва хотирасининг ривожланишдан ортда қолишларни олдини олишга хизмат қилувчи психокоррекция дастурини ишлаб чиқиш ва унинг ёрдамида амалга ошириладиган психокоррекцион машғулотлар иштирокчиларини саралаб олиш кўзда тутилган. Чунки

тадқиқотимизнинг аниқловчи диагностик босқичида айнан коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятларининг ривожланишида суствликларни белгиловчи бир қатор жиҳатларини инобатга олинди ва шу асосда қуйидаги мезонларга таянилди:

1. Психокоррекцион тадбирларни олиб бориш учун тренинг гуруҳини ташкил этишда аниқловчи босқичда тафаккур ва хотира хусусиятлари орасида боғланиш ҳосил қила олмаган текширилувчиларнинг натижалари ҳисобга олинди.

2. “Мантикий тафаккур махсулдорлигини аниқлаш” усули ҳамда “Хотира қўламини материалнинг анланганлик даражасига боғлиқлигини текшириш” усули бўйича топшириқларини бажаришда паст натижага эга бўлган текширилувчиларнинг натижалари.

Дастурни амалга ошириш вақти: Машғулотлар ҳафтада икки марта, кунига икки соатдан, уч ҳафта давомида олиб борилди.

Дастурда ақлий тафаккур ва хотирани ривожлантиришнинг бешта жиҳатиға алоҳида эътибор қаратилди:

- 1). Тафаккур ва хотира бирлиги.
- 2). Тафаккур ва хотиранинг қайишқоқлиги.
- 3). Тафаккур ва хотиранинг кучи.
- 4). Тафаккур ва хотирани бошқариш.
- 5). Тафаккур ва хотира таркиблари.

Тадқиқотимиз жараёнида тафаккур ва хотирани ривожлантириш машқлари мажмуаси яратилди. Бунда, тренинг машқларининг изчиллиги ҳисобга олиниб, уларнинг ҳар бири машқ майдонлари тарзда ажратилди. Қуйида ушбу мажмуадаги майдонлар ва уларнинг номланишини келтирамыз.

1-кун машқлар мажмуасида иккита майдон ажратилган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

1-майдонча
Кириш машқлари
Фикрни бошқариш

2-майдонча
Руҳий ҳаракатлар
Фикрни жамлаш ва йўналтириш

2-кун машқлар мажмуасида иккита майдон ажратилган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

3-майдонча
Тафаккур гимнастикаси
Образли тафаккур

4-майдонча
Тафаккур гимнастикаси
Образли тафаккур

3-кун машқлар мажмуасида ҳам иккита майдонча бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

5-майдонча
Хотира гимнастика
Образли хотира

6-майдонча
Тафаккур кучи
Муаммоларнинг емичлари

4-кун машқлар мажмуасида ҳам иккита майдонча бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

7-майдонча
Тафаккур ўйинлари
Фикрнинг мантиқийлиги

8-майдонча
Ўтмишга қайтиш
Хотира машқлари

5-кун машқлар мажмуасида ҳам иккита майдонча бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

9-майдонча
Ақлий фаоллик
Тафаккурнинг эгилувчанлиги

10-майдонча
Ақлий даража
Тафаккурнинг эгилувчанлиги

6-кун машқлар мажмуасида ҳам иккита майдонча бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

11-майдонча Ижодкорлик Тафаккурнинг эгилувчанлиги	12-майдонча Эришилган чўққи Ғоялар яратиш
--	--

Иштирокчилар учун ушбу машқлар мажмуасидан фойдаланиш бўйича қуйидаги услубий кўрсатмалар берилди.

1-кўрсатма. Шахсий муаммо ва ташвишларингиз остонада қолсин. Машғулотларга қатъий ишонч ва юксак мақсад билан киришинг.

2-кўрсатма. Кўпроқ таҳлил қилмасдан ўзингизни машқлантиришга ҳаракат қилинг. Сиз машқлар руҳий имкониятларингизни юзага чиқаришга йўналтирилганлигини эътиборга олиб кўпроқ машқлар билан шуғулланинг.

3-кўрсатма. Вақтни тежанг ва ўзингиз учун эркин вақт тўпланг. Машқларни шошилмасдан бажаринг. Ички оламингизни атрофлича ўрганишингиз учун ўзингизга имкон беринг.

4-кўрсатма. Машқларни такрорлаб турин. Машқлар ҳар хил шароитни талаб этиши мумкин. Сиз фақат тренинг машғулотлари билан чекланиб қолмасдан фаолиятни узвий давом эттиришга ҳаракат қилинг. Тренинг машғулотларидан сўнг бу ақлий гимнастика машқларини кунлик иш тартибингизга киритинг.

5-кўрсатма. Тез-тез шуғулланинг. Сиз миянгни қанча кўп машқлантирсангиз, машқлар сизнинг қалбингиздан чуқур жой олади. Агар улар сизни кундалик иш тартибингизга кириб яхши натижа бера бошласа, бу сизга ҳузур бағишлайди. Агар машқлантириш қанчалик мароқли бўлса, сиз миянгни шунчалик машқлантиришга ҳаракат қиласиз. Сиз миянгни қанчалик кўп машқлантирсангиз, фикрлашингизда ва тафаккурингизда самарадорлик шунчалик ортади.

Қуйида психокоррекцион дастуримизга киритилган машқлардан намуналар келтирамиз.

Машқ: Ақлий гимнастика

Машғулот мақсади: Вербал тафаккурни ривожлантириш.

Машғулот учун жиҳозлар: тафаккур доираси (ҳарфлар акс эттирилган доирача, бўш доирача), ручка ёки қалам, соат, байроқча.

Ушбу тренинг машғулотида бошловчи иштирокчиларга тафаккур доираси бўйлаб ҳаракатланишни ва ҳар бири ушбу доирада нечта сўз жойлашганлиги ва янги яна қандай сўзлар ҳосил қилиш мумкинлигини тушунтиради. Шу тарзда иштирокчилар тафаккур доирасини оладилар ва ҳар бирлари ушбу доирачада нечта сўз акс эттирилганлигини қайд этадилар. Сўнгра уларнинг натижалари ўзаро таққослаб, энг кўп жавоб вариантига эга иштирокчига ва сўнгра қолган иштирокчиларнинг мулоҳазалари тингланади. Кейинги босқичда бу тафаккур доирасига иштирокчиларнинг ўзлари энг кўп сўзлар акс эттиришга ҳаракат қилишлари сўралади. Иштирокчилар мустақил ишга киришадилар. Ким агар 10 минут орасида вазифани бажариб бўлса, у байроқчани кўтариб, топшириқни бажарганлигини билдиради. Барча иштирокчилар навбат-навбати билан ушбу жараёни бир-ма-бир бажарадилар. Натижалар бошловчи ёрдамида муҳокама қилинади ва топшириқни энг тез ҳамда тўғри бажарган иштирокчи «тафаккур салтанати ҳукмдори» деб эълон қилинади.

Вербал тафаккурни ривожлантириш бўйича тавсиялар

- Дикқатингизни фикрларингизнинг сифатига қаратинг. Фикрий ифодалрингизни ривожлантиринг, тафаккурингизни ўзаро уйғунлаштиринг. Секин фикрлашга ҳаракат қилиб кўринг. Фикрлашни тезлаштиришга ҳаракат қилинг.

- Ўқиш учун доимо вақт топинг. Ўқиш ақлий ривожланишни ўстиришнинг энг мақбул йўли, хаёлий тимсоллар ва диққатни тўплашни жонлантиради.

- Фикрларингизни қоғозда баён этишга ҳаракат қилинг. Фикрларни ёзма баён этиш уларни саралашга, ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслашга,

фикрларни шакллантириш ва текширишга, нимани ҳис этаётганингиз ва ўйлаётганингизни аниқ тасаввур қилиш имконият туғдиради.

- Сиз ўзингизнинг гапираётган гапларингизга кулоқ солинг. Ўзингизни фикрий монологингизга кулоқ тутинг, кун давомида қандай маълумотлар сизни ўй-хаёлингиздан ўтаётганлиги уларнинг ҳаётий позициянгизга таъсирини ойдинлаштиришга эришинг.

Шахсий тарихингизни баён этишга ўрганинг.

Машқ: Тафаккур кучи.

Навбатдаги машғулотда тафаккур кучини оширишга қаратилган машқлар мужассамлаштирилган бўлиб, бунда иштирокчилар муаммолар устида тўхталадилар ва уларнинг турли вазиятларда ечишга ҳаракат қиладилар.

Машғулот мақсади: Тафаккур кучини ошириш, муаммоларни мустақил ва қонуниятларга асосланиб топиш малакасини шакллантириш.

Машғулот учун зарур жиҳозлар: ҳар хил вазиятли масалалар, қоғоз ва қалам

Бошловчи иштирокчиларга муаммолар тўғрисида сўз юритиб, уларнинг ечимини топишда зарур кўникма ва малакалар тўғрисида тушунча беради: масалани ечиш малакасини ҳар қандай муаммони ҳал этишда, у абстракт муаммоми, шахслараро муносабат муаммосими, молиявий муаммоми, ўқиш ёки ишдаги муаммоми уларга зарурат бор. Бу малакаларга қуйидаги йўллар билан борилади.

* Муаммога тўғри ёндашув. Муаммога дуч келганингизда нима қиласиз? Унга рўбару келасизми ёки уни четга суриб қўясизми? Унинг битта ечими билан чекланасизми ёки бир неча ечимларини топишга ҳаракат қиласизми? Сиз муаммога чап беришга уринасизми ёки уларнинг ечимини топишга жазм этасизми?

* Муаммони ечимини топиш жараёнини ташкил этиш. Сиз муаммони ечиш учун энг содда, тушунарли ва асосий омилларни ажратишга ҳаракат қиласиз, ортиқча ва кераксиз жиҳатларни четга суриб қўясиз. Муаммога аниқлик киритиб оласиз ва уни ечишга киришасиз.

Муаммони ечишга киришиш ва ундаги хатти-ҳаракатлар. Баъзи муаммолар аниқ кетма-кетликда, қадамма-қадам ҳал этилади. Бошқалари тажриба-синов йўли билан, «Синаш ва хато» методи ёрдамида ечими топилади. Шундай муаммолар бўладикки уларни ҳал этишда узок мулоҳазалаш ва ечим тасодифий пайдо бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз ахборотларни бошқаришингиз керак. Бунинг учун муаммога доир тушунчаларни гуруҳлашингиз, намуналарни кўздан кечиришингиз, умумлаштириб мулоҳазалашингиз ёки ўзингизнинг ички интуициянгизга кулоқ солишингиз керак бўлади.

* *Текшириш.* Сиз муаммонинг ечимини топдингиз, унинг тўғрилигини текшириб кўрасиз. Бажарилган ишларни кўздан кечиринг ва янгида мулоҳазарингиздаги мантиқий занжирни назардан ўтказинг. Ўзингизга масаланинг яна бошқа ечими борми ёки йўқлигини сўраб кўринг.

Кейинги босқичда бошловчи психотренинг машғулоти учун муаммоларни иштирокчиларга тақдим этади. Бунинг учун дастлаб, бир нечта бошқотирмалар тақдим этилади. Ҳар бир иштирокчи ушбу бош қотирмаларни ечишда юқорида санаб ўтилган босқич ва ёндашувларга таянган ҳолда топшириқларни шакллантирадилар ва унинг ечимини топишга киришадилар.

Топшириқлар:

- Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғида юз бош ва йигирма оёқ бор. Ҳайвонот боғида нечта ҳайвон ва нечта қушлар бор?
- Учта миссионер ва учта каннибал қайик ёрдамида дарёнинг бир қирғоғидан иккинчисига ўтишлари лозим. Миссеонерлар эҳтиёт бўлишлари

керакки, канибаллар бирор қирғоқда сони ортиқча бўлиб қолмаслиги керак. Уларнинг барчаси қандай қилиб бир қирғоқдан иккинчисига ўтиб оладилар?

- «Ташла» номли ўйинда уч киши танга ташлашяптилар. Ўйин шартига кўра ютқизган одам ғолибларга олдинги ютуқнинг икки баробарича ҳақ тўлаши керак. Уч маротаба ўйин бўлди. Ҳар бир ўйинчи бир маротабадан ютуққа эришди. Ютуқлар эса икки баробар ошган эди. Ўйин охирида ҳаммалари ўттиз олти доллардан олганлари маълум бўлди. Улар қандай миқдордаги пул билан ўйинни бошлаганлар?

- Янги-Гвения-Папуа оролида беш юз аёл яшайди. Улардан олти фоизи битта қулоқда зирак тақадилар. Қолган тўқсон тўрт фоиз аёлларнинг ярми икки қўлоғига зирак тақади. Қолган қисми эса зирак тақмайди. Оролда яшайдиган нечта аёл зирак тақади?

- Ҳалим билан Салим кафега киришди. Ҳалим ўзига кофе, Салим эса сут буюртма берди. Сўнгра Ҳалим билан Салим таъбларига кўра ичимлик тайёрлаш учун қуйидагича иш тутдилар. Дастлаб Ҳалим Салимнинг пиёласидаги сутдан бир қошиқ олиб ўзининг кофесига аралаштирди. Сўнгра Салим ҳам Ҳалимнинг пиёласидаги аралашмадан бир қошиқ олиб ўзининг пиёласига солди ва аралаштирди. Айтингчи, сутдаги кофе кўпми ёки кофедаги сутми ёки бир хил тенгликдами?

Ақлий ўйинлар

Юқоридаги машғулотларни амалга оширишда иштирокчилардан маълум толиқиш ҳолати пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун бошловчи кейинги машғулотларига ўтишда уларнинг руҳий енгиллашиб олишига имкон беради:

Марҳамат қилиб бир неча дақиқа енгиллашиб олинг. Турган хонамизни кўздан кечириб чиқинг. Бутун руҳий қувватингизни тўпланг, бутун кучингизни ҳар хил таъсирларга сарфлаб қўйманг.

Машғулотнинг мақсади: Интеллектни ўстириш.

Машғулот учун зарур жиҳоз: ручка, қоғоз, топшириқлар тўплами.

Бошловчи иштирокчиларни давра бўлиб ўтиришга таклиф этади ва уларни фикрларини бирон бир йўналишга бошқариш учун «Агарбўлганда нима бўларди.» саволини ўзларига беришларини сўрайди. Шу орқали фаразий характердаги топшириқларни ўртага ташлайди:

- Агар осмон доимо қора бўлганда нима бўларди?
- Агар вақт тўхтаб қолса нима бўларди?
- Агар биз олти юз йил яшасак нима бўларди?
- Агар битта эмас учта жинс бўлса нима бўларди?
- Агар ҳазиллашиш қонун билан тақиқланса нима бўларди? Ушбу

тарздаги фаразий саволлар гуруҳ ўртасида муҳокама этилади. Гуруҳ аъзоларининг ушбу саволларга нисбатан жавоб вариантлари қайд этилади ва уларнинг энг мақбуллари иштирокчилар томонидан баҳоланади.

Тенги йўқ Насриддин: баъзида парадоксал, ғайри-табiiй ва мантиқсиз фикрларда ҳам ўзига хос жихатлар акс этиб туради. Бундай ҳолатнинг яққол гувоҳи сифатида Яқин Шарқдаги машҳур ва таниқли Насриддин Афанди тўғрисидаги латифаларда ҳам интеллектнинг ажойиб қирралари кузатилади. Машғулотда Насриддин Афандининг латифалари билан танишилади. Аслида ушбу латифаларда ҳеч қандай мантикийлик йўқдек туюлади. Аксинча уни ҳар бир шахс ўзида ўйлаб кўрса пурмаънолиги ва донишмандлик синганлигининг гувоҳи бўлинади. Шу тарзда тренинг иштирокчиларига бир нечта латифалар тақдим этилади:

* Насриддин Афанди уйига бозордан бир бўлак жигар ва ундан овқат тайёрлаш йўриқномасини олиб келаётган экан. Бирдан осмонда бургут пайдо бўлиб, жигарни олиб учиб кетибди. Шунда Афанди бургутга қараб, ахмоқ, жигар яхши бўлгани билан, йўриқнома менда қолди-ку, деб унинг устидан кулиб қолибди.

* Насриддин туннинг ярмида кўчада юрса, қоровул уни кўриб қолиб, «Мулла нима қилиб юрибсиз?», деб сўраб қолибди. Шунда Афанди, «мен тушумни йўқотиб қўйдим, уни излаб юрибман» деб жавоб берибди.





* Афандининг хотини уйга югуриб кириб, унга бақира бошлабди: «Хой мулла эшагингиз йўқолиб қолибди». Афанди хотинига бамайлихотир қараб, «Худога шукур, яхши ҳам уни устида эмас эканман. Унда мен ҳам бирга йўқолиб қолган бўлардим» деб айтибди.

Шу тарзда Афанди латифаларининг мазмуни иштирокчилар томонидан муҳокама қилинади ва маъноси нимани англатиши таҳлил қилинади.

Машқ. Қисқа муддатли хотира

Қаршингиздаги дўстингизга рўпара ўтириб олиб, бирон-бир матндан бир нечта гапни ўзингиз учун ўқинг. Кейин шеригингизга қараб гапни аниқ ифодалаб айтинг. Шеригингиз сиз айтган гапни такрорлаши керак. Агар у гапни айтишда хатога йўл қўйса яна қайтадан сиз тўғрилаб айтинг. Шеригингиз уни тўғри айтгач навбатдагисига ўтасиз. Бунда дастлаб қисқа гаплардан бошлаб, анча узун ва мураккаб гапларга ўтиб боринг.

Визуал хотира. Бир неча дақиқа давомида куйида келтирилган шакллارни кўздан кечиринг. Сўнгра уларни юқори аниқликда чизишга ҳаракат қилинг.



Машқ. Кундалик хотира.

Сиз ҳар куни ухлашга ётишга ҳозирлик кўраркансиз тимсоллар орқали кундалик воқеа-ҳодисаларни кўз олдингизга жонлантиринг. Бунинг учун эрталаб турганингизда то кечга қадар кечган воқеа-ҳодисаларни ва бир кунлик босиб ўтган йўлингизни изчилликда тикланг. Сиз бир кунлик хатти-ҳаракатларингиз яширин камера орқали назорат қилинган деб тасаввур қилинг.

Ушбу машғулотда иштирокчилар хотирани ўстиришга доир машқларни бажариш билан бирга ўзларига маълум бўлган машқлар ва усуллар билан ўртоқлашишлари эътиборга олинади.

Машқ: Қарор қабул қилиш

Машғулот мақсади: қарор қабул қилишга ўргатиш.

Машғулот учун зарур жиҳозлар: машқлар, ручка ва қоғоз

Машғулотни бошловчи томонидан кириш-йўналтирувчи машқ билан бошланади: Тасаввур қилинг дарё қирғоғи бўйлаб кета туриб қум ичидан ярми чиқиб турган оғзи маҳкамланган шиша идишни кўриб қолдингиз. Сиз идишни олдингиз ва уни очдингиз. Идиш ичидан булут каби тутун кўтарилиб, жодуланган жин гавдаланди. Бошқа жинлардан фарқ қилган ҳолда бу жин уч тилагингизни бажо келтирмайди. Балки сизни учта танловингизни амалга оширишга тайёр.

Биринчиси:

Иккинчиси:

Учинчиси:

Иштирокчиларга машғулот давомида амалга оширилган машқларни уйда мустақил бажариш вазифаси топширилади.

Хулоса ва тавсиялар

Бугунги кунда таълим жараёнида билимлар тизимини ўзлаштириш шахсининг барча психологик хусусиятлари ривожланган бўлишни талаб этади. Шундай экан таълим олувчиларнинг ўзлаштиришига таъсир кўрсатувчи психологик хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг ролини эътироф этиш орқали таълим технологияларини мувофиқлаштириш яхши самара беради.

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши, умумтаълим фанлари, касбий фанлар ва махсус фанлардан берилаётган билимларни ўзлаштиришларида хотира ва тафаккурнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Шу сабабли ҳам таълим жараёнида ўқитувчилар ўз шогирдлари билан ҳамкорликда ишлаётган вақтларида машғулотни ташқил этиш билан бир қаторда таълим олувчиларнинг хотира ва тафаккурини ривожлантириш бўйича ҳам баъзи бир тадбирларни инобатга олиб ўтишлари ва психологик тавсияларга амал қилишлари лозим бўлади.

Билимларни осон ўзлаштириш, таълим самарадорлигини таъминлаш ва ижодий изланишга йўл очиш муаммонинг туб моҳиятини англаб етишни тақозо этади. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг таълим жараёнида психологик имкониятларини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун ўзига хос таълим методларини жорий этиш, оқилона йўللار орқали муаммоларни ечишга ўргатиш, уларнинг тафаккури ва хотирасини ривожлантириш орқали мустақил фикрлашга ва ижодий изланишлар олиб боришга тайёрлаш лозим.

Битирув малакавий ишда тафаккур ва хотира жараёнининг ўзаро боғлиқлиги муаммси назарий ва амалий жиҳатдан ўргандик ва қуйидаги муҳим хулосаларга келдик:

- тафаккур ва хотира ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш орқали ўқувчилар тафаккури ва хотирасининг ривожланганлик даражасини билиб олиш мумкин.

- коллеж ўқувчиларининг тафаккур ва хотира хусусиятлари таълим самарадорлигини белгиловчи муҳим омил бўлиши мумкин.

- ўқувчилар тафаккури ва хотирасини ўзаро боғлиқликда ўстириш мумкин.

Битирув малакавий ишда чиқарилган хулосалар асосида тавсияларни ишлаб чиқдик:

- Таълим жараёнида ўқувчилар тафаккури ва хотирасини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим.

- ўқувчилар тафаккури ва хотирасини диагностика қилишнинг психологик усуллари юзасидан амалиётчи психологлар фаолиятини кучайтириш.

- ўқувчилар тафаккури ва хотирасини ривожлантиришнинг психологик ва педагогик воситаларини ишлаб чиқиш.

- хотира ва тафаккурни ривожлантириш тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Тошкент, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Тошкент, 1997.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент, 1998.
4. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
5. И.А Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари-Т.: Ўзбекистон, 1997
6. И.А Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир - Т.: Ўзбекистон, 2000
7. Р.М.Грановская. Элементы практической психологии. Ленинград, 1988, с.338-353.
8. М.В.Гамезо, И.А.Домашенко. Атлас по психологии. Москва, 1986.
9. Курс общей, возрастной и педагогической психологии. Под редакции проф. В.М.Гамезо. Москва, 1982, с.143-155.
- 10.П.И.Иванов. Умумий психология. Тошкент, 1967
11. В.Каримова. Психология. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2002.
- 12.Виготский Л.С Умствение развитие детей и процесс обучения М.1935
- 13.6. Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик асослари. Т.Ўқитувчи. 1978
- 14.7. Тихомиров О.К Психология мушления. М: Изд-во Моск.ун-та 1984.270с
- 15.8. Торндайк Э.В. Процесс учения у человека М: Учпедгиз, 1932. 235с
- 16.9. Усмонова Э.З Ўқувчиларда мустақил таффақурни қандай шакллантириш мумкин? Т.ТДПУ 2000. 23с
- 17.10. Қодиров.Б.Р Истеъдодли болалар ва уларни танлаш методикаси. 18.Т: 1992. 32 б

- 19.11. Ғозиев Э.Г. Таълим жараёнида ўсмирлар тарбиясига комплекс ёндашиш. Т.1981
- 20.12. Қодиров.Б.Р Ақлий истеъдод ХХІ асрнинг энг қимматли мулкидир. Т. Ўзбекистон .1999-166
- 21.. Э.Ғозиев. Умумий психология. 1,2-китоб, Тошкент, 2002.
- 22.Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. Т. “Ўқитувчи”, 1997.
- 23.Ғозиев Э.Ғ. Психология муаммолари. Т. “Университет”, 1999.
- 24.Ғозиев Э.Ғ., Азизова Ш.В. Ташкилий психология Т. “Университет”, 1999.
- 25.Ғозиев.Э.Г . Таълим жараёнида ўсмирлар тарбияси комплекс ёндашиш. Т.1981. 376
- 26.Ғозиев.Э.Г .Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш. Т. Ўқитувчи. 1988. 1016
27. Ғозиев.Э.Г . Психология муаммолари. Т.Универс 1997.
- 28.Ғозиев.Э.Г . Ҳасанов К. Методология. 2002
29. Ғозиев.Э.Г .Умумий психология. Т.Универ.2002.
- 30.Панибратиева З.М. Методика преподавания психологии. М. Просвещение, 1971.
- 31.Тальзина Н.Ф. и др. Педагогическая психология. М., 1987.
- 32.Қ.Турғунов. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, 1975.
- 33.Тошимов Р.Ю., /озиев Э./. Замонавий индивидуал ва гуруҳий психология. Т. Университет, 1999.
- 34.Формирование учебной деятельности студентов. Под.ред. В.Я. Лаудис М. Изд. МГУ, 1988.
- 35.www.expert.psycqology.ru
- 36.www.psycqology.net.ru
- 37.www.psy.piter.com
- 38.www.psychology.all.ru